

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИЎзбекистон Республикаси  
Жиноят кодексининг 227-моддасига  
Ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 майда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда; 2008 йил, №4, 187, 188, 189-моддалар, №7, 352-модда, №9, 485, 487, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда, №4, 128-модда) **227-моддасининг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«227-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автомобилотранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш «ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 8 сентябрь  
№ ЎРҚ-215

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИЎзбекистон Республикаси Солиқ  
кодексининг 256-моддасига ўзгартиш  
ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, №12, 639-модда) **256-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **биринчи қисм** «Чет эллик инвестор» деган сўзлардан кейин «маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **иккинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Ушбу модда биринчи қисмининг 1-5-бандларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно), агар маҳсулот тақсимотида оид битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 10 сентябрь  
№ЎРҚ-217

## КҮРИК-ТАНЛОВ



Суратда: кўрик-танлов совриндорлари – сержантлар  
Р. Жуманазаров (чапдан), З. Мамараҳимов ва И. Жумабоев.

## ЭНГ МУНОСИБЛАР ГОЛИБ БҮЛДИ

Навоий шахрида республика ички ишлар идораларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ўртасидаги «Намунали вақтинча сақлаш ҳибсхонаси» ва «Вақтинча сақлаш ҳибсхонаси аълочи милиционери» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Даставвал голибликка даъвогар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини ўрганиш жараёнида ушбу муассасаларнинг техник жиҳатдан мустақамлиги, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги, ушланган ва қамоққа

олинган шахсларга яратилган шарт-шароитлар, ходимларнинг билим савияси ва жанговар шайлигини мустақамлаш учун ўқув хоналарининг мавжудлиги, шахсий таркиб ўртасида хизмат ва ижрочилик интизоми, ҳуқуқий-

норматив ҳужжатларнинг юритилиши, махсус муассасалар иш фаолиятининг ташкиллаштирилиши ва назорат қилиниши, шунингдек, конвой қилишда хизмат итларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи гуруҳи томонидан мавжуд вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг аҳволи чуқур ўрганилиб, фото ва видеотасвирга олинди ҳамда масъул раҳбарлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

(Давоми 3-бетда).

## 21 СЕНТЯБРЬ – ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИ

## ТИНЧЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ



Тинчлик. Бу сўз замирида бир олам маъно мужассам. Усиз хотиржамлик, ҳаловат, роҳат бўлмайди. Осудалик ҳукмрон бўлмаган жойда эса ривожланиш, тараққиёт, моддий ва маънавий бойликлар таназзулга юз тутади. Шу боис ҳам ер юзидаги барча халқлар ва элатлар, ҳатто жонзотлар учун ҳам тинчлик олий неъматдир. Ойнаи жаҳон орқали ер юзининг қайсидир бурчагида юз бераётган кўпуровчилик ҳаракатлари, уруш, жанжаллар туфайли ҳалок бўлаётган одамлар, вайронага айланган шаҳарлар, бошпанасиз қолган инсонларни кўрар эканмиз, жаннатмакон юртимиздаги осудалик, осойишталик учун шукроналар айтмиш. Шу юрт тинчлиги йўлида кечаю кундуз хизмат қилаётганлардан миннатдор бўламиз. Зеро, бугунги кунда мамлакатимиздаги ободончилик, тўқинсочинлик, ривожланишнинг тобора юксалиб бораётгани ҳам тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидандир.

Яқинда жуда катта тантана билан нишонланган Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, диёримизнинг юраги бўлган пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи ҳамда «Шарқ

тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг юксак даражада ўтказилганлиги эса юртимизда тинчлик бардавом эканлигини яна бир қарра намён қилди. Тинчлик бор жойда қут-барака, файз бўла-

ди. Буни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлганлар юртимиздаги фаровонликни келиб кўрсин. Негаки, кўпгина давлатларда иқтисодий инқироз юз бераётган бир пайтда бизда иқтисодий, ижтимоий

ривожланиш кузатилаётгани барчага аён. Бир сўз билан айтганда, тинчлик инсоният бахти, фаровон ҳаёт, ривожланиш ва тараққиётнинг бош мезонидир.  
(Давоми 3-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОН**

**ҲАФТА ИЧИДА**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинарда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан маърузалар тингланди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида Президентимиз Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлаётган омиллар, 2008 йилда эришилган асосий натижалар ҳамда иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришдаги муҳим йўналишларга оид маърузалар тингланди.

● Тошкентда маънавий-маърифий ва ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларимизни ёт гоё ва таъсирлардан асрашга қаратилган ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорликда олиб борадиган вазифалар режаси белгилаб олинди.

● Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда Хитойнинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди.

● Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Қадирий санъат асарлари» мавзусида кўргазма ташкил этилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошига оид либослар, заргарлик буюмлари, нодир китоблар намойиш қилинди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

**ВАЗИРЛИКДА ҚАБУЛ**

**ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА ТАРАДДУД**



Маълумки, дунё мамлакатлари орасида ватанимизнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Юртбошимиз ва ҳукуватимиз раҳбарлари олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли диёримиз кундан-кун чирой очиб, ободонлашиб, ривожланаяпти. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик бу жаннатмақом улкала халқаро анжуманлар, тадбирлар, йиғилиш ва жаҳон аҳамиятига молик форумларни

юксак даражада ўтказиш имконини бермоқда. Осиё Тараққиёт Банкининг навбатдаги йиғилиши 2010 йили Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кичик мажлислар залида Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев ҳамда ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник

У. Нарзуллаевлар Осиё Тараққиёт Банки котиби Роберт Доусен, анжуманлар бўйича етакчи мутахассиси Джил Дрилон, котибият қатта мутахассиси Симон Бэйли-Гибсон, анжуманлар бўйича мутахассис Эдделин Нада-Бер ҳамда Синтия Мартинесдан иборат ишчи гуруҳини қабул қилишди. Меҳмонлар анжуман ўтказилган даврда иштирокчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги, шунингдек,

шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиб, қониқиш ҳосил қилдилар. Бундан ташқари, томонлар бўлажак халқаро йиғилишга доир масалаларни биргаликда ҳал қилиш учун кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. **Ўз мухбиримиз. Суратларда: учрашув пайти. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

**ТАЙИНЛАНДИЛАР**

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари — Жиноят қилдирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, полковник **Файзулла Бозорович ҚУВОНДИҚОВ**.



Файзулла Бозорович Қувондиқов 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1980 йилда Сирдарё вилояти Гулистон тумани ИИБ махсус комендатура милиционерлари лавозимидан бошлаган. 1985–2009 йилларда Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, Навоий вилояти ИИБ ҚМХ бошлиғининг ўринбосари — ЖҚБ бошлиғи, Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ Патруль-пост хизмати бригадаси оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш бўйича махсус батальони командири, майор **Қаҳрамон Сунатуллаевич ИСМАТУЛЛАЕВ**.



Қаҳрамон Сунатуллаевич Исматуллаев 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадаси 1-батальони, 4-отряднинг гуруҳ командири лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадаси 1-батальони, 4-отряд командирининг ўринбосари, ППХ ва ЖТСБ Патруль-пост хизмати бригадаси оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш бўйича махсус батальони командирининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Фарғона вилояти Охунбобоев тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор **Азимжон Эргашевич ЮЛДАШЕВ**.



Азимжон Эргашевич Юлдашев 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, Фарғона Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ИИББ тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошлаган. 2000–2009 йилларда Фарғона вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ терговчиси, Тергов бошқармаси терговчиси, ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Охунбобоев тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

**ТАДБИР**

**ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ**

Фарғона вилояти ИИБда шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳокимларнинг ўринбосарлари, меҳнат, бандлик хизмати масъул ходимлари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш. Турдиқулов, вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов, вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник О. Марипов, вилоят ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, полковник И. Сабидов ва бошқалар сўзга чиқиб, уйдан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш, рўйхатга олиш, яшаш манзилларига қайтиб келган фуқароларни иш билан таъминлаш, жиноятчилик ва диний экстремизмга қарши кураш борасида маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, меҳнат, бандлик хизматлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, ёшларнинг турли салбий таъсирларга берилиб кетмасликлари учун мактабларда дарс машғулотларининг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун турли фан ҳамда спорт тўғрисидаги ва бошқа машғулотларни ташкил этиш борасида мутасадди ходимлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда иштирок этган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,** подполковник.

**МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ**

Давра суҳбатида Халқаро эксперт ва мутахассислар Ўзбекистон сиёсати бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, аҳолининг турмуш даражасини пасайтирмай, молиявий инқирознинг салбий оқибатларидан сақланишга қаратилган, деган фикрни билдиришаётгани эътироф этилди.

Халқаро ҳужжатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг молиявий аҳолидан қатъи назар уларнинг малакали юридик ёрдандан баҳраманд бўлишларига зарур шароитлар яратиш учун чоралар кўрилмоқда. Бундан кўзланган мақсад шундан иборатки, қонунда белгиланган тартибда адвокат хизматлари учун тўлашга шароити бўлмаган шахслар ўз ҳуқуқларини суд ёки суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишлари шарт.

Тадбирда шу ва бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди.

**Фурқат ХОЛИКУЛОВ.**

**ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!**

Шу йил 2 сентябрдан 12 сентябргача республикамизда ўтказилаётган «Диққат, болалар!» тадбири ўз ниҳоясига етмоқда. Кенг кўламли ушбу тадбирга йўл ҳаракати хавфсизлигини ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари жалб этилган. Мақсад болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир.



Ушбу хайрли ишда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ва ЙПХ бригадаси дивизионларида тузилган махсус гуруҳлар ҳам фаол иштирок этапти. Жойларда, шунингдек, мактабларга бириктирилган ЙПХ ходимлари «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича машғулотлар жонли, сифатли ўтишига алоҳида эътибор беришяпти.

Суратда: Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 3-дивизион ЙПХ инспектори, кичик сержант А. Атабоев Яккасарой туманидаги 118-урта умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидалари ўргатиш юзасидан машғулот ўтказмоқда.

**А. КЕНЖАЕВ** олган сурат.

КҮРИК-ТАНЛОВ

## ЭНГ МУНОСИБЛАР ГОЛИБ БҮЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Күрик-танловнинг якуний босқичи муносабати билан ташкил этилган маросим тантанали руҳда бошланди. Маҳфия садолари остида Давлатимиз байроги кўтарилди. Республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ф. Парманов күрик-танловни очик деб эълон қилди. Ушбу тадбир ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда соҳа ходимларининг касб маҳорати ва жанговар тайёргарлигини оширишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкиллади.

Оркестр садолари остида иштирокчилар саф тортди. Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Р. Турсунов ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Д. Рўзиев уларни самимий қутлаб, барчага омад тилашди. Тўпланганлар Навоий вилояти ИИБ алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбарлик отряди, ППХ батальони, конвой взводи ва кинолог ходимлардан иборат шахсий таркибининг кўргазмалари чиқишларини зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Шу куни шаҳар марказидаги «Сўғдиёна» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга ташриф буюрган олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг талаба-ёшлари, ички ишлар идоралари фахрийлари ва уларнинг оила аъзолари күрик-танлов дастуридан ўрин олган бир-бирдан қизикарли чиқишларни қарсақлар билан олқишлаб туришди.

Тадбирнинг иккинчи куни Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ҳамда Транспорт ИИБ вакилларидан иборат 60 нафарга яқин ходимлар ўртасида беллашув бошланди. Мусобақа шартига кўра, 100 ва 3000 метр масофага югуриш, 50 метрга сузиш, қўл жанги,

тўсинда тортилиш, саф тайёргарлиги машқлари, қуролдан ўқ отиш, шунингдек, метёрий ҳужжатлар бўйича тест синовлари ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ходимларнинг бу борадаги билим ва маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлик даражаси баҳолаб борилди.

Этироф этиш лозимки, ички ишлар ходимлари тадбир жараёнида бор куч ва имкониятларини ишга солиб, чуқур билим ва юксак касб маҳоратига эга эканликларини тўлиқ намоян этишди.

Ниҳоят күрик-танлов натижалари эълон қилинди. **“Намунали вақтинча сақлаш ҳибсхонаси”** номинацияси бўйича Навоий

ВСХ милиционери, сержант Суннатилло Сайпиев, Бухоро вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВСХ милиционери, сержант Нурулло Субҳонов ҳамда Наманган вилояти Чуст тумани ИИБ ВСХ конвой милиционери, сержант Зокиржон Мамаримовлар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Бундан ташқари, күрик-танлов турлари бўйича ҳам голиблар аниқланди. Сузиш машқларида кўзонлик Х. Абдуллаев биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ўқ отиш ва қўл жанги усулларида намойиш этишда бухоролик С.Ўриновга тенг келадигани топилмади. Тест синовлари

чи ўринни қўлга киритишди.

Айтиш жоизки, ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати, билим ва кўникмаларини оширишда бу каби тадбирлар катта аҳамиятга эга. Сир эмаски, кейинги йилларда республика ИИБ томонидан ички ишлар идораларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг техник мустаҳкамлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият ҳам тобора ортиб бораётир. Бу эса ўз навбатида улардан ўз устида тинимсиз ишлаш, ўқи-ўрганиш ва маҳоратларини ошириб боришни талаб этади.

— Шу ўринда мазкур тадбирнинг ўтказилгани айтиш мумкин бўлди, — дейди Навоий шаҳар ИИБ ВСХ бошлиғи, майор Қ. Мамараҳимов. — Этироф этиш жоизки, ушбу күрик-танловга жуда катта тайёргарлик кўрилди. Бу борада бошқарма раҳбарияти қўллаб-қувватлаб, бинони таъмирлаш, талаб даражасида шарт-шароитлар яратилишида яқиндан ёрдам берди. Мақсад — намунали хизматимиз билан эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, бизга билдирилган ишончни оқлашдир.

Мусобақа якунида голибларга ИИВнинг Фахрий ёрликлари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, Транспорт ИИБ Қўқон тармоқ ИИБ ВСХ милиционери, сержант Х. Юнусов, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ВСХ конвой милиционери, катта сержант М. Нуриддинов ва бошқалар күрик-танловда фаол иштирокчилари учун Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

**Нигора РАҲИМОВА,**  
майор.  
Суратларда: күрик-танловдан лавҳалар.  
**Абу КЕНЖАЕВ** олган суратлар.



шаҳар ИИБ, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ИИБ ва Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ИИБ вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фахрий ўринларга муносиб, деб топилди.

**“Вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционери”** номинацияси бўйича эса Бухоро вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ вақтинча сақлаш ҳибсхонаси милиционери, сержант Султон Ўринов биринчи ўрин соҳиби бўлди. Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВСХ милиционерлари, сержантлар Иззат Жумабобоев ва Равшан Жуманазаровлар иккинчи, Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ

натижаларига кўра навоийлик С. Сайпиев энг юқори балл тўплашга эришди. Саф тайёргарлиги бўйича сирдарёлик О. Бобоевнинг устунлиги эътироф этилди. Тўсинда тортилиш бўйича Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВСХ милиционери, сержант И. Жумабобоев, 100 метр масофага югуришда Андижон вилояти Избоскан тумани ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВСХ милиционери, кичик сержант Ш. Жалолов, 3000 метр масофага югуришда эса Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ВСХ ҳайдовчи милиционери, сафдор Ф. Куйчиевлар бирин-

21 СЕНТЯБРЬ – ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК КУНИ

## ТИНЧЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида сайр қилар эканман, бир-бирдан бахтиёр чехралар, оппоқ кўйлақда гулгул ёниб келадиган келинчалар, бахтдан сармаст кўевларнинг Эзгулик монументи пойига гулдасталар қўяётганини кўрдим. Мактаб, ўқувчилари, олийгоҳ талабалари Бахтиёр она ҳайкали пойига гуллар қўймоқда. Майдоннинг ўртасида фавворалар ял-ял товланиб кўкка отилади. Республикаимизнинг узоқ-яқин жойларидан келган юртдошларимиз бу гузал манзарадан, турфа хил очилиб турган гуллардан ўзгача завқ-шавқ туйишади.

Эзгулик аркасига кўниб турган лайлаққа қараб, ҳайратланиб турган болакайнинг сўзлари қулоғимга чалинади.

— Ойижон бу қанақа қуш, нега ҳеч учиб кетмайди? — дея сўради.

— Бу қуш — лайлак. У тинч, осойишта юртларда яшайди. Бизнинг Ватанимизда осудалик бўлгани учун ҳам у шу ерга келган. Энди ҳеч ҳам учиб кетмайди, — тушунтиради онаси.

— Ойижон анувлари-чи, улар ҳам лайлакми? — сўрайди болакай яна қизиқиш билан.

— Йўқ, — дейди аёл. — Улар турналар. Турналар ҳам тинчликсевар қуш, мусаффо осмонда жуда юксак парвоз қилади.

Болакай қушларга энди янаям қизиқиш билан термулади.

— Тошкентга, тўғривоғи, Мустақиллик майдонига келмаганимга анча бўлганди.

Жудаям ўзгариб кетибди. Кўркам бинолар қурилибди. Майдон-ку таниб бўлмас даражада, — дейди сурхондарёлик Гуласал Мелибобоева.

— Тинчлик, осойишталикка етадиган нарса бўлмаса керак. Негаки, юртимиз тинч, осойишта бўлгани учун шунчалар гуллаб, яшнаб, тобора ривожланиб бормоқда. Тинчликнинг, дориламон кунларнинг қадрига етишимиз, ҳар биримиз



унинг абадий бўлишига ўз ҳиссамизни қўшимиз керак, — дейди яна бир сўхбатдошимиз. Дарҳақиқат, тинчлик бебаҳо бойлик, уни авайлаб-асраш эса ана шу юрт фарзандининг шарафли бурчи, вазифасидир. Зеро, осойишталик бор экан, кўнгиллар хотиржам, ризқимиз бутун. Тўйлар тўйларга, байрамлар байрамларга уланаверади.

**Умида БОЛЛИЕВА,**  
«Поста» муҳбири.

## ЖАҲОН



## АЙВОНИДА

## ЯНА БОСҚИНЧИЛИК

«AFP» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, сомалилик қароқчилар Испанияга тегишли иккита балиқчи кемага ҳужум қилишган. Босқинчилар «Кампо Либре Алай» ва «Алакрана» номли кемаларни гаровга олишга уриниб кўришган. Амма денгизчилар қароқчилар ҳужумидан қочиб қолишга муваффақ бўлишган. Шунинг таъкидлаш жоизки, жаҳон ҳамжамияти томонидан қўрилатган чора-тадбирларга қарамай сомалилик қароқчиларнинг босқинчилик ҳаракатлари давом этаётти.

## ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ

Афғонистоннинг Мустақил сайлов комиссияси яқинда бўлиб ўтган президент сайлови натижалари юзасидан билдирилган ариза ва шикоятларни ўрганиб, сайлов бюллетенларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор чиқарди. Маълумотларга қараганда, учта музофотда сайлов натижалари бўйича баҳсли тортишувлар авж олган. 447 та сайлов участкасининг сайлов натижалари бекор қилинган.

## ЯНГИ НОМАЪЛУМ ҲАЙВОН

Сайёрамизда борган сари ноёб ҳайвонлар йўқолиб бораётгани билан бирга янги, илмфанга номаълум бўлган ҳайвонлар тури қўшилиб бораётти.

Яқинда Wildlife Conservation Society ташкилоти вакиллари Амазонка ҳудудидан янги ҳайвон, маймуннинг номаълум турини топишди.

## ҚАДИМГИ ТОПИЛМА

Москва Давлат университети археологлари Бошқирдистондаги ёрдан қадимги одамларнинг бош суяк чаногини топишган.

Шунингдек, гор деворларига палеолит даврида чизилган элликка яқин тасвирлар ҳам аниқланган. Мугахассисларнинг мамонт, от ва бошқа ҳайвонлар суратлари гор деворларига бундан 13 минг йил аввал чизилган деган хулосага келишган.

## САМО ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ

Япониянинг «Mitsubishi Heavy industries» ва «IH» корпорациялари ҳамкорликда самодиа электр энергияси ишлаб чиқарувчи йирик ва кучли генератор қуриш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. 21 миллиард АҚШ долларилек маблағ сарфланиши кўзда тутилган ушбу тадқиқот-қурилиш ишларида мамлакатнинг 16 та саннат ва илмий йўналишдаги компаниялари иштирок этади. Компаниялар кейинги 30 йил ичида Ер орбитасида 1ГВт (гигаватт) электр энергиясини доимий ерга узатиш қувватига эга бўлган улкан генераторни қуришлари лозим.

Шундай қилиб, Япония 2040 йилдан бошлаб космик энергиядан амалиётда фойдаланишни режалаштирмоқда.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимлари Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Ғиждувон тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор Фозил Қодиров ҳам бор.**

Ф. Қодиров чорак асрдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. Кўп йиллик фаолияти давомида касбга садоқати, ишчанлиги, фидойилиги билан эътибор топди, эл ишончини оқлаб, ҳамкасблари ҳурматида сазовор бўлди. Бугунги кунда уни кўпчилик катта тажрибага эга бўлган, малакали ходим сифатида тилга олади.

Бўлакиён қишлоғида туғилиб, вояга етган Фозилжон қўшниси, участка инспектори Сафо ака Адизовнинг ортидан қолмасди. Милицияга иштиёқи баланд ўсмирни нозир ҳам ўзига ёрдамчи қилиб олди. Армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтган Фозилнинг кейинги орзуларига отаси Обло ака монелик қилмади. 1984 йилда жисмонан бақувват, мунтазам спорт билан шуғулланиб юрган йигит синовдан муваффақиятли ўтиб, ички ишлар идораларида хизмат қила бошлади. 1989 йилда туман ИИБ раҳбарияти тавсияси билан Тошкент ўрта-махсус милиция мактабига таълим олди. Ўқишни муваффақиятли тугатиб, лейтенант унвони билан қайтган Ф. Қодиров профилактика инспектори этиб тайинланди. Устозлари — майор Ш. Ибрагимов ва капитан С. Адизовлардан касб сирларини ўрганди.

— Бугунги қувончли кунларим учун мураббий ва устозларимдан миннатдорман, — дейди майор Ф. Қодиров. — Эришган ҳар бир ютуғимда уларнинг муносиб ҳиссалари бор. Улардан мен нафақат бошқаларга, бал-

ки ўзимга талабчанликни, касбга садоқатни, топшириқни ҳар қандай вазиятда пухта, аниқ бажаришни ўрганганман.

## ФИДОЙИЛИК ҚАДР ТОПГАНДА



Бир куни Қатағон қишлоғида савдо дўконига кириб кетган фуқаронинг велосипеди йўқолиб қолади. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди. Бу ишга ким қўл уриши мумкин? Хонадонларни бирма-бир кўздан кечириб чиқаётган инспекторнинг хаёлидан шу савол кетмайди. У велосипед изидан бориб, бир хонадон ёнидан чиқиб қолади. Муқаддам судланган Ф. Туранинг ҳовлиси бўлиб, уйига кириб келган ички ишлар ходимларига рўйхушлик бермайди. Ички бир ҳиссиёт би-

лан бу ерда бир гап борлигини сезган инспектор у ўтирган сандални ўрнидан қўзатиб, унинг остидаги полни кўпориб, яшириб қўйилган велосипедни топади. Ўғрилиқ жинояти шу куннинг ўзида очилади.

Майор Фозилжон Қодиров хизмат қилаётган ҳудуддаги Акмал Икромов ва Декрезон маҳалласида ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди. У ҳудудда хизмат кўрсатувчи профилактика инспекторлари — капитанлар Аваз Бобожонов ва Бозорбой Темиров, катта лейтенант Тўлқин Баротов, маҳалла посбонлари, оқсоқоллари, фаоллар билан ҳаммиша ҳамкорликда иш олиб боради. Бу яқдиллик ушбу ҳудудда хотиржамликни таъминлаш борасида яхши натижаларни қўлга киритишга ёрдам берапти. Айниқса, ҳудудда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камайди. Жорий йилнинг ўзида профилактика инспекторлари томонидан 3 та жиноят “иссиқ изи” да очилди. Жумладан, чўнтаккесар икки аёл жиноят устида ушланди. Атторлик дўконига содир этилган 41 млн. сўмлик ўғрилиқ соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда фох этилди.

Профилактика катта инспектори, майор Фозилжон Қодировнинг “Шухрат” медали билан тақдирланганлиги ҳақида хабар туманда тез тарқалди. Айниқса, онажони Мўмина опанинг қувончи чексиз. У марҳум турмуш ўртоғи бу кунларни кўрмаганига армон қилди. Ўзининг елкасига қоқиб қўйиб, бағрига босар экан, қувонч ёшларини тия олмайди. Уни эл қорига яраётган ўғли билан фахрланиш, гуруҳ ҳислари чулғаб олганди. Ҳар кимгаям ана шундай бахт насиб этсин.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.

Бухоро вилояти.

## МЕТИН ИРОДАЛИ ЙИГИТ

Касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Лекин улар орасида шундайлари борки, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. У нафақат жисмонан етукликни, балки алоҳида мардлик ва фидойиликни, энг замонавий техника ва технологиялар сирасорини пухта эгаллашни, юксак ақл, метин иродани талаб қилади. Пўлатжон Турдиев вилоят ИИБ тезкор отрядида дастлабки фаолиятини бошлаганидаёқ ана шундай хислатларини намойён этганди. Изланувчан, янгиликларни ўзлаштиришга укувли, хизмат бурчига содиқ ва тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилувчи ходим 2001 йилда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони махсус отрядига қабул қилинади.



«Инсон қаерда ва қайси соҳада ишласин, аввало ўз вазифасига виждонан ёндашиши, масъулиятни чуқур ҳис этиб, хизмат бурчига содиқ бўлиши лозим». Бу Пўлатжоннинг ҳаётдаги шиори, хизмат фаолияти давомида тўплаган тажрибаларидан чиқарган хулосаси. Дарҳақиқат, бурч ва масъулиятни чуқур англай олган одамгина интилувчан, тиришқоқ ҳамда иродаси мустаҳкам бўлади.

2006 йилда П. Турдиев республика ИИБ Портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш махсус гуруҳига катта мутахассис лавозимига қабул қилинганда юқоридаги фазилатлари алоҳида эътиборга олинганди. Ўтган йиллар давомида у билдирилган ишонччи тўла оқлаб, жамоанинг фахрига айланди.

Албатта, бунда ўзининг меҳнатидан ташқари ота-онасининг дуолари, турмуш ўртоғи — Наманган муҳандислик-педагогика институтини ўқитувчиси Нозимахоннинг ҳам ҳиссаси бор. Фарзандлари Насиббахон ва Отабекнинг тарбияси касб тақозосига кўра кўпроқ рафиқаси зиммасида бўлса-да, Пўлатжон ҳам оталик бурчини мукамал бажаради.

Одатда махсус гуруҳ вазифасини юрак жарроҳи ишига қиёлайдилар. Иккисида ҳам кичик бир хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

— Шунинг учун бу касбда метин иродали, руҳий жиҳатдан етук ходимлар ишлайди, — дейди махсус гуруҳ командири, капитан А. Полвонов. — Ватан тинчлигини сақлаш, фуқароларнинг осойишта ҳаётини таъминлашдек шарафли ва муқаллас вазифани бажариш бурчимиз.

Хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсатган капитан П. Турдиев ўтган йили Юртбошимизнинг Фармонида биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Ҳукуматимизнинг бу мукофоти нафақат менга, бутун жамоамиз меҳнатига берилган катта баҳо, деб биламан, — дейди фахр билан П. Турдиев. — Юксак мукофотни оқлаш, унга муносиб бўлиш учун бор куч ва билимимни сафарбар этаман.

Фурқат МАМАЖОНОВ,  
майор.

Наманган вилояти.

## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# БОЙСУННИНГ ОРИ ЭДИ...

**Майор Холтўра Абиров Бойсуннинг қадим қишлоқларидан бири бўлган Даштиғозда таваллуд топди. Шу қишлоқдаги 31-мактабда устозлар сабоғани тинглаб улғайди. Биласиз, Сурхон воҳасида тўю тантаналар, катта-кичик маъракалар полвонлар иштирокисиз ўтмайди. Нафақат ўзбекистонлик, балки қўшни республикалардан ҳам ташриф буюрган полвонларнинг ўзига хос мусобақасига айланадиган ана шундай анжуманлар ёш Холтўранинг номдор полвон бўлиб етишишига замин ҳозирлади. У ёшлиқдан киндик қони томган тупроқни, ўзи туғилиб ўсган маконни, ундаги ҳар бир гиёҳ, ҳатто унинг қуруқ чўлини ҳам кўзига тўтиё деб биларди. Фолибликдан келадиган шон-шухратнигина эмас, ҳамюртларининг орияти, номусини ўйлаб даврага тушарди. Шунинг учун ҳам бойсунликлар уни шу юртнинг ори деб билишарди...**

Бойсуннинг катта-ю кичиги Холтўрага ҳавас қиларди. Унинг рақибига арслондек ташланишини, чаптаст олишишларини киприк қоқмасдан кузатишарди. Айниқса, полвон рақибини азот кўтариб, елкаси оша ерга урганда олқиш ёғдираётган оломон гуриллаб ўрнидан туриб кетарди. У чиндан ҳам Бойсуннинг ори, халқнинг ифтихори эди...

\*\*\*

Холтўра Абиров нафақат эл ардоғидаги машҳур полвон, балки ҳар жиҳатдан камолотга интилган, етук инсон эди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, ҳужжатларини Термиз давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетига топширди. Имтиҳонлардан муваффақият билан ўтган ёш йигитча тиришқоқлик билан ўқиди. Севган касбини эгаллаган

Холтўра қишлоғига қайтиб, бир муддат мактабда фаолият юритади. Сунгра ёшлар бригадасига бошчилик қилиб, саховатли ердан мўл ҳосил кўтарди. Қисқа муддат ичида у эришган муваффақиятлар эътибордан четда қолмайди.

Ҳар томонлама етук, чинакам дўст, самимий ва меҳрибон инсон Холтўра Абиров 1986 йили ички ишлар бўлимига қабул қилинди. Ўз хизмат фаолиятини ҳудуд нозир сифатида иш бошлаган Холтўра Абиров юртдошлари осойишталигини сақлаш, жиноятчиликнинг пайини қирқиб йўлида тиним билмай хизмат қилди. Бир муддат ички ишлар бўлимининг гиёҳвандликка қарши кураш бўлимини бошқарган ёш ходим устозларидан ўқиб-ўрганишдан толмади. Касбий билимини ошириш мақса-

дида хизматдан ажралмаган ҳолда ИИБ Академиясида сиртдан таҳсил олди.

1995 йилдан бошлаб Сурхондарё вилояти ИИБ жиноят қидирув хизматида фидокорона фаолият олиб борган Х. Абиров кейинчалик Кумқўрғон тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, Бандихон тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. 2002 йилдан бошлаб яна Кумқўрғон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари вазифасига тайинланди. У қаерда ишласин, нафақат раҳбар, балки чин маънодаги осойишталик посбони сифатида хизмат қиларди...

Ушанда ҳам майор Холтўра Абиров туғилган кунини Тошкентда, дўстлари даврасида нишонлашни ният қилган эди. Негадир у эрталабдан сафарга жуда шошилган, худди тезроқ ҳаракат қилмаса, нимагадир кечикадигандек, ҳаддан ортиқ ҳовлиқарди. Аксига олгандек йўл тадоригини кўриш ҳам оқсарди. Воқеалар ривож бугунги кундан туриб кузатилса, улар нимадандир ишора бераётганга ўхшайди. Лекин на Холтўра Абиров, на унинг ён-атрофидагилар бу сирли ишораларга эътибор қилишмаган. Йўқса, ҳар бир ишни бекаму кўст ва ўз вақтида бажаришга одатланган инсон самолётга олинган чиптани меҳ-

монхонадаги жавон устида унутиб қолдирармиди?!

Ярим йўлдан ортга қайтган Х. Абиров парвозга аранг улгурди. Аммо бу парвоз унинг учун ҳам, йўлдошлари учун ҳам сўнги парвоз эканлигини ҳали ҳеч ким билмасди. Севимли турмуш ўртоғи билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, уларнинг истиқболини Яратгандан тилаб юрган Холтўрага на унинг дийдорига муштоқ дўстларини, на фарзандлари камолини кўриш насиб этмади. Орзу-ҳавасларга тўла юракни қутилмаган фожиа ҳалокат орамиздан мангуга олиб кетди...

Комил инсонлардан солиҳ фарзандлар қолади: улар биз эришмаган орзуларни рўёбга чиқарадилар, ўзимиз чиқолмаган чўққиларни забт этадилар. Холтўра Абировнинг фарзандлари ҳам у меҳр қўйган касбни ардоқ билан давом эттиришяпти. Тўнғич фарзанди Ҳамза аллақачон ота касбини давом эттириб, ички ишлар идораларида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Ўғиллари Абдулҳамид ва Абдулҳакимлар ҳам келажакда отаси каби эл осойишталиги йўлида хизмат қилишга аҳд қилишган.

Темир ҚУРБОНОВ,  
подполковник.

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга ошириладиган ислохотларнинг негизи бу – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини яратиш ҳисобланади. Айниқса, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш каби устувор вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда қонун ижодкорлиги орқали ҳуқуқий базани такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳам мамлакатимизда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш йўлида хизмат қилувчи, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий қўллаш амалиётида фаол иштирок этиб келаётган орган ҳисобланади.**

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим». Мазкур йўналишда вазирликнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ички ишлар идоралари фаолиятини юридик таъминлаш, тизимда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тайёрлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш борасидаги ички ишлар идоралари фаолияти мувофиқлаштирилиб борилаётган.

Ўтган давр мобайнида мазкур бошқарма томонидан ИИВга турли ташкилотлардан келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш ва улар бўйича ҳуқуқсозлар бериш юзасидан таклифлар бериш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат ташкилотлар томонидан келишиш ва таклиф олиш учун тақдим этилган 335 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Қонун талабларига асосан ўрганиб чиқилиб, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан сўнг, юридик ҳулоса қилинди. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонидан 6 та, Вазирлар Маҳкамасидан 14 та, Олий Мажлис палаталаридан 7 та, Адлия вазирлигидан 94 та, Ташқи ишлар вазирлигидан 7 та, бошқа вазирлик ва идоралардан 125 та, ИИВ хизматларидан

75 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тақдим этилди.

Ички ишлар вазирлигига келиб тушган мазкур ҳужжатларнинг барчаси амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда ўрганиб чиқилиб, таклиф ва мулоҳазалар билан манфаатдор давлат идораларига тақдим этилди. Айниқса, Юртбошимизнинг 2008 йилнинг 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»-ги Фармони ички ишлар идораларида қонун ижодкорлиги ишларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Чунончи, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2008 йил 12 сентябрдаги буйруғи билан вазирликда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, шунингдек, Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБларда эса унинг бўлими ва бўлинмалар ташкил этилди.

Ҳозирда мазкур бошқарма, бўлим ва бўлинмалар томонидан ички ишлар идоралари тизимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор берилиб, бу борада муайян ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида «ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар» ишини самарали ташкил этиш мақсадида услубий қўлланмалар тайёрланиб, жойларга хизматда фойдаланиш учун юборилди. Уларнинг иш фао-

лиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш учун компьютерларга электрон юридик базалар, «Норма», «Право», «LexUZ» дастурлари ўрнатилди. Шунингдек, ИИВ тизимида хизмат қилаётган ҳуқуқшунос-маслаҳатчиларни «Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими» номли китоб билан таъминлаш ҳамда Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда уларнинг малакасини ошириш чоралари кўриломоқда.

Бошқармага тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, уларни янада такомиллаштириш ҳамда лойиҳаларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича тегишли нормалар киритиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган таклифлар инobatга олинган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб улар янада такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»-ги Қарори, Адлия вазирлигининг 2007 йил 14 июндаги «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруғи ҳамда ИИВнинг 2008 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идораларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисоботи юритилмоқда.

Ўтган давр мобайнида туркумлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан 667 тасини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 398 тасини Олий Мажлис қарорлари, 766 тасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив ҳужжатлари, 1064 тасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив ҳужжатлари, 817 тасини ИИВнинг норматив ҳужжатлари, 1371 тасини бошқа идоравий ҳужжатлар ташкил этди.

Вазирлик раҳбариятининг топшириғига асосан, ИИВнинг тегишли соҳавий хизматлари томонидан ички ишлар идоралари фаолиятига тааллуқли бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, Президент Девони, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган идоралараро ишчи гуруҳида фаол қатнашиб, Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари лойиҳаси тайёрланди ва 6 тасини тайёрлашда бевосита иштирок этилди.

Жумладан, жамият ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятларнинг олдини олиш Конвенциясини тўлдирувчи одам (асосан аёллар ва болалар) савдосини тўхтатиш ва олдини олиш ҳамда бу учун жазо чорасини қўллаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида»-ги, «Қурол тўғрисида»-ги, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-ги қонунлари лойиҳаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навойий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига кириш, чиқиш, бўлиш ва меҳнатга ёллан ишларининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори лойиҳаси тайёрлашда бевосита иштирок этилди. Бу қонунларнинг аксарияти Олий Мажлис томонидан қабул қилинди.

Албатта, ички ишлар идоралари томонидан қонун ижодкорлиги йўлида амалга оширилаётган бундай ишлар республикада олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишга, мамлакатда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларни хавфсизлигини таъминлашга ҳамда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

**Илҳом ТУРҲУНОВ,**  
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник.

## ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш мустақил давлатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ижтимоий қадриятларнинг конституциявий принцип даражасига кўтарилиши фуқаролик жамиятини барпо этишига муҳим шартларидан биридир. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.**

Жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун қонунларни тўғри қўлланилишида жиноят-процессуал қонунчилиги алоҳида ўрин эгаллайди. Жамият ривожлангани сари ҳуқуқий муносабатлар ўзгариб бориши билан қонунларни такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 329-моддасида терговга қадар текширув муддатининг қисқалиги ҳамда бу муддатни узайтиришнинг қонуний механизми кўзда тутилмаганлиги жиноятга оид

ариза ва хабарлар бўйича қарорлар баъзан асоссиз ва шошма-шошарлик билан қабул қилинишига сабаб бўлаётганлиги. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси ва кафолатига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Республика Бош прокуратураси, Олий суди, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, МХХ томонидан жиноятга оид аризалар ва хабарларнинг кўриб чиқилишида процессуал муддатларга риоя этилиши ўрганилганда, ЖПКнинг 329-моддасида белгиланган муддатлар амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги аниқланган.

Мазкур қонундаги юқори-

дан келтирилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»-ги Ўзбе-

## МУҲИМ ЎЗГАРТИШ

кистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси Қонунчилик палатаси томонидан қўйидаги таҳрирда қабул қилинди: «Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини кўзга тутиш учун сабаб қонунчилигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмас-

дан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид хабарлар олинган пайтдан бошлаб, то ишни кўзга тутиш ёки кўзга тутиш рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборил-

дан, суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олиш жойларда бўлган ёки қақирувга биноан ҳозир бўлишдан бош тортаётган шахслардан тушунтиришлар олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча текширмасдан туриб қонуний қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

Мазкур Қонун билан жиноятга оид аризалар, хабарлар рўйхатга олиниши ва дарҳол кўриб чиқилиши лозимлиги, жиноят ишини кўзга тутиш учун сабаб қонунчилигини ва асослар етарли эканлигини суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ўн сутка ичида текширилиб, бу муддат ичида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек, шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза қилиш каби ҳаракатларни ўтказиш белгиланган. Шунингдек, алоҳида ҳолларда, яъни ўтказиш

учун кўп вақт талаб қиладиган текширувлар, яъни экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса, олиш жойларда бўлган ёки қақирувга биноан ҳозир бўлишдан бош тортаётган шахслардан тушунтиришлар олиш лозим бўлса ёки янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча текширмасдан туриб қонуний қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаган каби ҳолатларда терговга қадар текширув муддати прокурор томонидан суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига биноан бир ойгача узайтирилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўзгартиш амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш билан бирга, энг асосийси, ҳақиқатни аниқлаш, қонунийлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига амал қилиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Матлуба МАҲАМЕТОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ

## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

### II. ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

**10-модда.** Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Ушбу моддада фуқароларнинг давлат органларига ихтиёрий ва эркин мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу борада ҳеч ким бошқа шахснинг фикрини ўзгартиришга бирон-бир ҳаракат қилиши ёки ундан тийилишга мажбур қилиши мумкин эмас. Ўз навбатида бирон-бир мансабдор шахснинг фуқарони давлат органларига ариза, таклиф ёки шикоят билан мурожаат қилишга мажбурлаши ёки бундай мурожаатдан воз кечишга ундаши ёки мурожаатга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбурлаши каби хатти-ҳаракатларнинг ҳам ғайриқонунийлиги англашилмоғи керак. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқини амалга оширишдаги ихтиёрийлик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси билан

мустақкамланган фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигининг амалий ифодасидир.

Шунинг билан бирга, бирор-бир шахсни ёки фуқаролар гуруҳини давлат органига ариза, шикоят, таклиф билан мурожаат этишга қизиқтириш ихтиёрийлик тамойилининг бузилиши ҳисобланмайди. Бинобарин бундай ҳолатда мурожаат этиш ёки этмаслик фуқаро (фуқаролар гуруҳи)нинг ўз ихтиёрида қолади.

Шарҳланаётган моддада шахсни бирор-бир ҳаракат қилишга ёки ундан тийилишга мажбурлаш ҳолати унинг мурожаат этиш ҳуқуқини амалга оширишдаги эркин хилофлиги белгиланган. Аммо шарҳланаётган Қонунда алдаш, чалғитиш каби йўллар билан шахснинг хоҳиш-ихтиёрига таъсир этилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беришга асос бўлувчи қоидалар белгиланмаган. Бу Уринда «ихтиёрийлик» сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни ҳам шахснинг мурожаат этиш ҳуқуқини бузиш сифатида эътироф этиш мумкин. Масалан, амалиётда баъзан фуқароларнинг жамоа томонидан берилган мурожаатларнинг мазмун-моҳияти билан таниш бўлмаган ҳолда унга ўз имзоларини қўйиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу ўз навбатида, фуқаро-

ларнинг шарҳланаётган Қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасликлари билан ҳам баҳоланади.

Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ўз эрklarини тўла ифодалаш лаёқатига эга эмасликларидан келиб чиқиб, уларнинг манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин. Бу хусусида ушбу Қонуннинг 15-моддасига берилган шарҳларда батафсилроқ баён этилган.

**11-модда.** Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий қелиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий қелиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёз-

лар фақат қонун билан белгиланиб қўйилди ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши шарт. Мазкур конституциявий қоидалар (Конституциянинг 18-моддаси) барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилишлари, ақл ва виждон соҳиби бўлган фуқаролар ўзаро биродарларча муносабатда бўлишлари кераклиги тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий норма, яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1-моддаси)нинг талабларига мувофиқдир.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, шарҳланаётган Қонуннинг барча қоидалари ва айни шу моддаси талабларининг фақат қоғозда қолиб кетмаслиги кўп жиҳатдан фуқароларнинг ўзларига ҳам боғлиқ. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларидан тўла ва ҳар томонлама фойдалана билиши керак. Шу жумладан, давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланганда камситишнинг бирор-бир шаклига учраган фуқаро бўйсунув тартибда юқори турувчи давлат органига ёки судга мурожаат қилиши орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминлашига эришади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланганидек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

(Бошланиши ўтган сонларда.  
Давоми бор).

### ● Даъво аризасига қандай ҳужжатлар илова қилинади?

Даъво аризасига аризада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи, шу билан бирга сизнинг даъвоингиз асослилигини исботловчи далил бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар илова қилинади. Зарур ҳужжатлар доираси даъво талабининг хусусияти билан боғлиқ бўлади. Масалан, болалар парвариси учун ота-онадан маблағ ундириш тўғрисидаги ишда — болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, болалар даъвогарнинг парварисида эканлиги тўғрисида яшаш жойидан маълумотнома, жавобгарнинг ойлик иш ҳақи тўғрисида унинг иш жойидан маълумотнома. Турар жойни бўлиш тўғрисидаги ишда — шахсий ҳисоб-китоб рақамидан нусха, уй-жой китобидан кўчирма, уй-жой режаси ва ҳоказо. Рўйхат шулар билан чекланмайди, албатта. Қўшимча ҳужжат тақдим қилиш зарурати ҳар бир ишнинг хусусиятидан келиб чиқади. Фуқаролик ишларининг ҳар бир тоифаси бўйича турли исботлаш воситалари йўл қўйилади.

Даъво аризасига ҳар доим жавобгарларнинг сонига мутаносиб равишда нусха илова қилинади. Масалан, уй-жойни бўлиш тўғрисидаги даъво икки жавобгарга нисбатан қўзғатилаётган бўлса, даъво аризангиздан яна икки нусха қўшиб топширасиз. Бу нусхаларни суд жавобгарларга беради.

Баъзи ҳолларда судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогардан аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишни талаб қилиш мумкин.



## ДАЪВО АРИЗАСИ



Даъво аризасига давлат божини тўлаганлик тўғрисида ҳужжат (квитанция) ҳам илова қилинади.

### ● Ҳужжатларнинг асл нусхасини илова қилиш керакми ёки уларнинг нусхасини топширган маъқулми?

Даъво аризасига ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган маъқул, уларнинг асл нусхасини эса суд процессида кўрсатишингиз мумкин бўлади.

### АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ИШ ҚЎЗҒАТИШ

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади.

Судья аризани:

- қабул қилади ва иш қўзғатади;
- қабул қилишни рад этади;
- ҳаракатсиз қолдиради.

Фуқаролик иши қўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

### АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ

Суд қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади:

ариза судда кўришга тегишли бўлмаса; суднинг айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аж-

рими мавжуд бўлса; суд айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса; тарафлар ўртасида ушбу низо ҳал қилиш учун ҳақамлик судига топшириш ҳақида ҳақамлик битими тузилган бўлса; иш шу суднинг судлови-га тааллуқли бўлмаса; ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш қилишга ариза берилган шахс берган бўлса.

### АРИЗАНИ ҲАРАКАТСИЗ ҚОЛДИРИШ

Ариза қонунда белгиланган талабларга риоя қилинмай берилган ёки давлат божи тўланмаган бўлса, судья аризани ҳаракатсиз қолдириши мумкин. У бу ҳақда ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ камчиликларни бартараф қилса ва давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

### ДАЪВО СУДГА ТОПШИРИЛГАНДАН КЕЙИН УНИ ЎЗГАРТИРИШ

Даъвогар даъво судга топширилганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

даъво асосини ўзгартириш; даъво предметини ўзгартириш, яъни жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талабларини ўзгартириш; даъво талаби миқдорини кўлайитириш ёки камайтириш; даъводан воз кечиш.

### ДАЛИЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Даъво аризасида сиз ўз талабингизни асослангиралган ҳолатларни, шунингдек, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далилларни кўрсатишингиз керак. Даъво аризасини тайёрлаш билан бир вақтда далилларни тақдим этишни ҳам ўйлаб қўйишингиз лозим. Айрим далилларни бевосита даъво аризасида кўрсатишингиз, баъзиларини эса суд мажлисида тақдим қилишингиз мумкин.

Далилларни тайёрлаш жараёнида шуни ҳам унутмангки, жавобгар ҳам ўз далилларини тақдим қилади ва суд ҳар икки тарафнинг далилларини кўриб чиқишга мажбур.

### Ёлда тутинг!

Исботлаш ва далиллар тақдим қилиш тарафларнинг зиммасидаги мажбурият ҳисобланади. Суд фақат иш учун аҳамиятга молик далилларни кўришга қабул қилади, ишда мавжуд бўлган далилларни баҳолайди, ишнинг фактик ҳолатини «исботланди» — «исботланмади» принципи асосида белгилайди.

### ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ

Айрим ҳолларда судга мурожаат қилганда даъво-

ни таъминлаш, яъни жавобгар ўз мол-мулк ёки пул маблағларини тасарруф этишининг олдини олиш чораларини кўриш зарурати туғилади.

Даъвони таъминлаш, биринчидан, суд жавобгардан қарзни ундириш ёки унинг мулкни даъвогарга олиб бериш тўғрисида қарорга келиши мумкин бўлганда, иккинчидан, жавобгар мулкни яшириб қўйиши эҳтимоли бўлганда амалга оширилади. Масалан, алимент бўйича қарзни ундиришда, қарзни ундириш ва мол-мулкни бўлишда шундай қилинади.

Даъвони таъминлаш даъво аризаси берилганда талаб қилиниши мумкин. Бунинг учун даъво билан бирга судьяга ариза ҳам берилади. Бундай талаб суд процессининг ҳар бир босқичида берилиши мумкин. Суд ўз ташаббуси билан ҳам даъвони таъминлаш қарорига келиши мумкин.

### Ёлда тутинг!

Даъвони таъминлаш инсофсиз жавобгар мулкни талон-тарож қилишининг олдини олиш мақсадида суд томонидан кўриладиган чоралардир.

Даъвони таъминлаш чоралари қуйидагилардан иборат:

жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулкни ёхуд пул суммасини хатлаш; жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш; бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк бери-

шини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш; мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш; қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибда низолашган бўлса ва бундай низолашганда қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувчи тўхтатиш.

Зарур ҳолларда суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин, лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак.

### Ёлда тутинг!

Даъвони таъминлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

### ● Даъвони таъминлашнинг тақиқ чорасига риоя этмаслик жавобгарликка сабаб бўладими?

Даъвони таъминлаш учун белгиланган тақиқлашлар бузилган тақдирда айбдор шахсларга суднинг ажрими билан энг кам иш ҳақининг беш бараварига-ча миқдорда жарима солинади.

Бундан ташқари, даъвогар мазкур шахслардан суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганликлари оқибатида ўзи кўрган зарарни умумий тартибда ундириб олишга ҳақли.

### ● Даъвони таъминлаш қачон амалга оширилади?

Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштиради ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

(Бошланиши ўтган сонларда.  
Давоми бор).



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

## КҮЙ



Бу ҳафтада асосий эътиборни саломатликка қаратиш лозим. Аҳамиятсиз саналган касалликни ҳам даволатишдан эринманг, чунки сурункали тусга олиши мумкин. Шахсий муносабатларда қийинчилик туғилишига йўл қўйманг. Шубҳа ва гумонга аралашиб қолмасдан, текшириб, аниқлаб олган маъқул. Ҳафта охири уй ишларини бажариш, хонадонни саранжомлаш учун қулай келиши кутилмоқда.

## СИГИР



Юлдузлар бу ҳафтада ижодий ишларда бироз турғунлик бўлишдан дарак берапти. Ижодкорлар қийинчиликка дуч келишга тайёр туришлари керак. Бошқа касбдагилар зерикмаслик учун дўстлар билан учрашув, суҳбатлар уюштиришлари мумкин. Ишда янги режа, ғоялар туғилиши, пировардида истиқболга йўл очилиш имконияти кутуляпти. Хомжаёллик қилмай ишга дадил киришиш талаб этилади.

## ЭГИЗАКЛАР



Оилавий масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатиш шарт эмас. Мавқени ошириш учун шубҳали ишларга қўл уришдан сақланинг. Бу ҳафта давомида яна ўзаро муносабатларда қийинчиликлар туғилиши мумкин. Ёлғон, фириб, аралашиб, ҳамфирк, суҳбатдошлар орасига раҳна тушиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳафта охирида суғурта, солиқ, алимент, ворислик масалаларини ҳал этиш имкониятидан фойдаланиб қилинг.

## КИСКИЧБАҚА



Бу ҳафтада мулоқотлар учун баъзи қийинчиликлар бўлиши мумкин. Ўз фикрингизни айтиш, исботлаш осон бўлмайди. Ҳафта давомида турмуш ўртоғингиз билан жанжаллашмай, муросага боришни маслаҳат берамиз. Молиявий масалаларда эҳтиёт бўлиш лозим. Шубҳали лойиҳалар, пул билан боғлиқ режаларда иштирок этмаган маъқул. Манфаатли учрашув ва шартномалар учун қулайдир.

## АРСЛОН



Юлдузлар бу ҳафтада тежамкор бўлишни маслаҳат берапти. Зарур бўлмаганда маблағ сарфламай, айниқса, нақд пул ишлатмай турган маъқул. Ҳар қандай тўлов, жамғарма масалаларини кейинга қолдиришга ҳаракат қилинг. Турмуш ўртоғингиз сизни тушунмаган ҳолда рашқ қилиши мумкин. Муносабатни жанжалга айлантirmай, босиқлик билан ҳал этиш, ишончини қозониш билан мавқени мустаҳкамлаб олиш лозим.

## БОШОҚ



Масъулиятлилик ва интизомлилик талабчанлик сизни нисбатан жиддий шахсга айлантиради. Бунинг ўзингиз хоҳлаган тарзда намоён этиш яқин кишингизнинг сизга нисбатан муносабатини янада мустаҳкамлайди. Турмуш ўртоғингизга ҳалақит беравермасдан ўз устингизда ишлашни маслаҳат берамиз. Саломатлик бобида айрим муаммолар туғилиши мумкин. Шошма-шошарлик қилмасдан, касалликни аниқлаб, кейин даволанинг.

## ТАРОЗИ



Юлдузлар бу ҳафтада сурункали ёки эски касаллар кўзгаши мумкинлигидан дарак бермоқда. Ташвишланиб, ҳаловатни йўқотмасдан даволашга киришинг. Шифокор тавсияларига тўла амал қилсангиз шифо топасиз. Дўстлар айби билан тушунмовчилик келиб чиқиши мумкин. Ҳафта охирида мириқиб дам олиш, оила даврасида ҳордиқ чиқариш куч-қувват тўплаш имконини беришини эслатиб ўтамиз.

## ЧАЁН



Бу ҳафтада дўстлар даврасини тарк этиб, бошқа даврага қўшилиш эҳтимол бор. Бунинг учун кўпам ташвишланишга ҳоҳат йўқ. Чунки атрофдаги кишиларга ишониш, яна иноқлашиб кетиш мумкин. Уйда оиладагилар ниманидир яшираётгандай ҳис этсангиз, текшириб кўрган маъқул. Бу сирли гапнинг ошкор бўлмаслиги сиз учун фойдали бўлиши ҳам мумкинлигини ўйлаб кўринг.

## ЁЙ



Бу ҳафтада мақсад ва мавқега эришиш билан боғлиқ жиддий ҳолатлар юзга келиши мумкин. Агар мақсадни ўзгартириш керак бўлса, унча аҳамиятли бўлмаган томонларини олиб ташлаш кифоя. Ҳафта давомида узоқдан келадиган хабарлар, манбаларни текшириб кўриш лозим. Йўқса алданиб қолиш эҳтимолдан холи эмас.

## ТОҒ ЭЧКИСИ



Бу ҳафтада кўп янгиликлардан бохабар бўласиз. Бироқ айримлари сизнинг дунёқарашигизга зид бўлади. Хабарларни текшириш, фойдаси тегмайдиганига аралашиб қолмаслик зарур. Нақд пулни ишлатишда жуда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Арзон харид, кўп даромад олиш ҳақидаги таклифларга рад жавобини берган маъқул. Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади, деб бежиз айтишмайди.

## ҚОВҒА



Бу ҳафтада шахсий пулни тезда ишлатишни тақозо этадиган ҳолатлар юзга келиши мумкин. Шунинг учун нақд пул жамғармасига эга бўлиш лозим. Бу ҳар қандай масалани тезда ҳал этиш учун катта қулайлик келтиради. Турмуш ўртоғингизга ишонинг, бу оғир вазиятлардан чиқшингизда ёрдам беради. Ҳафта давомида спиртли ичимликлардан четроқ юриб, жиддийроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

## БАЛИК



Сизда мустақил бўлишга ҳаракат сезилади. Бироқ турмуш ўртоғингиз уни чеклаш, масъулиятли, интизомли бўлишга ундаши мумкин. Ўртада жанжал чиқмаслиги учун муросага келиш энг мақбул йўл бўлади. Ҳафта давомида саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш, даволанишга кўпроқ вақт ажратишни маслаҳат берамиз. Ҳар қандай таваккал ишлар ва тасодифий тадбирлардан воз кечиш лозим.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 14 СЕНТЯБРЬ

### «O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Иқлим».  
07.05 «Изҳор».  
07.15 ТелеТеатр: «Коматингдан ўргилай».  
07.50 «Олтин мерос».  
08.00 «Тахлилнома».  
08.40 -09.40 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
9.40 «Болалар дунёси».  
10.00 «Кулол». М/ф.  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Муқаддас қадамжолар».  
11.40 «Юртим бўйлаб».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим».  
12.55 Миллий кино: «Бахт қадри».  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ватанпарвар».  
15.00 «Олам ва одам» дастури.  
15.50 «Келажагимиз гарови».  
16.20 «Аёл бахти».  
16.40 «Икки дарё оралиғида».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Кишлоқ шифокори».  
«Болалар сайёраси»:  
17.30 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
17.45 «Сизнинг адвокатингиз».  
17.50 «Турмуш чорраҳаларида».  
18.35 «Рамазон тухфаси».

18.55 «Бир кун».  
19.30 «Ахборот».  
20.05 «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни кўйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Парламент вақти».  
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.35 «Иқлим».  
22.45 «Олам ва одам».  
23.35 - 23.45 Тунги наволар.  
«Uzbekistan».  
23.50 «Ватанпарвар».  
00.30 «Бир кун».  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Очун».  
01.40 «Салом, ёшлар!»  
02.40 - 03.40 «Маънавият» дастури.  
03.40 «Рамазон тухфаси».  
04.00 «Ахборот».  
04.35 ТелеТеатр: «Коматингдан ўргилай».  
05.10 «Икки дарё оралиғида».  
05.30 «Нафосат олами».  
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

06.55 Дастурнинг очилиши.  
07.00 «Салом, ёшлар!»  
08.00 «Дил пайванди». Т/с.  
08.50 «Табиатни асрайлик!»  
09.00 «Бобур хазинаси».  
09.05 «Шерюррак». Т/с.  
09.50 «Истиқлол шуқуҳи».  
10.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.  
10.30 «Даврнинг боласи».  
10.40 «Чашма».  
10.45 «Китоб – офтоб».  
10.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».  
11.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
11.45 «Ҳаёт завқи».

12.00 «Тошкентнома».  
12.30 «Yoshlar-FM».  
12.55 «Истиқлол саодати».  
13.00 «Қамолот хабарлари».  
13.10 «Даврнинг боласи».  
13.20 «Устозлар».  
13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
14.20 «Ҳаёт симфонияси».  
14.30 «KINOMANIYA».  
15.00 «Салом, ёшлар!»  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Миллий мультфильм».  
16.30 «Фанга бир назар».  
16.45 Ўқитувчи ва мураббийлар кунидан: «Ёшлар ва таълим».  
16.55 «Тошкент таронаси».  
17.00 «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Б/ф.  
18.30 «Янги мавсум».  
18.40 «UzEX».  
18.45 «Истиқлол навоси».  
18.55 «Устозга таъзим».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
20.20 «Сехрли қўллар».  
21.00 «Шерюррак». Т/с.  
21.50 «Кўнги».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 Миллий кино: «Гап».  
23.00 «Табассум қил!»  
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».  
00.00 «Салом, ёшлар!»  
01.00 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
16.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.15 «Қандай гўзал бу дунё».  
Т/ф.

17.30 «Хуқуқшунос маслаҳати».  
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55 «Телекуррьер-маркет».  
18.15 «Тошкентнинг илм масканлари».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.50 «Саломат бўлинг».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.  
21.00 «Аёл қалби».  
21.20 «Ўйларим».  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Телекуррьер-маркет».  
22.15 «Кино SMS со звездами».  
22.20-23.50 «Друг невесты». Х/ф.

### «Sport»

**Телетомошабинлар диққатига!**  
**Профилактика муносабати билан 14 сентябрь кунини «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатуварини 18.00 дан бошлайди.**

18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Баркамол авлод».  
18.30 «Хабарлар» (рус тил)  
18.55 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати. Финал. Аёллар.  
19.40 Футзал. Ассоциация кубоги. Ярим финал.  
21.00 «Футбол шарҳи».  
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)  
21.55 ИнтерФутбол.  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Притворщик».  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «Я, легенда» худ. фильм.  
13.30 Ўзбек наволари.  
14.20 Prime time (рус).  
14.30 «Премьера» (рус).  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ».  
16.30 Ўзбек наволари.  
17.30 «Топ-10».  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
19.00 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК».  
22.00 Комедия по понедельникам: «СМЕРТЬ НА ПОХОРОНАХ» худ.фильм.  
23.40 Миксер.

### «УЗНТТ»

04:05 «Зиё» студияси намойиш этади.  
04:25 Барҳаёт наволар.  
05:00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадийий-маърифий дастур.  
05:30 Барҳаёт наволар.  
06:05 «Янги ой чиққан кеча» в/ф (1-қисм).  
06:30 «Асрлар садоси».  
07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» мусликий дастур.  
07:30 «Парламент соати».  
07:50 «Сугдиёна».  
08:00 «Яхши кайфият».  
08:30 Болалар соати: «Янги авлод».

09:10 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.  
09:30 «Қасамед» б/ф.  
11:00 «Кутилмаган томоша».  
11:10 Хужжатли фильм.  
11:35 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
11:45 «Тарона».  
12:15 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
12:30 «Денгиз аждаҳоси» Т/с.  
13:00 «Йўқотилган йиллар» Т/с.  
13:30 «Ҳижрон» т/с.  
14:00 Кўнги наволари.  
14:30 «Флаббер» б/ф.  
16:00 «Дамбо» мультфильм.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:40 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.  
18:00 «Тарона».  
18:30 «Асрлар садоси».  
19:00 «Зиё» студияси намойиш этади.  
19:20 «Буни ҳаёт дейдилар» бадийий-маърифий дастур.  
19:35 «Янги ой чиққан кеча» в/ф.  
19:55 «Азия-лото».  
20:30 «ХУДУД».  
20:50 «Сугдиёна».  
21:00 «Ҳижрон» т/с.  
21:30 «Бизнес-репорт».  
21:45 «Истиқлол нашидаси».  
22:00 «Йўқотилган йиллар» Т/с.  
22:30 «Яхши кайфият».  
23:00 Кечки кинозал: «Ўйин» б/ф.  
00:10 «Йўқу қочганда» мусликий дастур.  
00:30 «ХУДУД».

**СЕШАНБА, 15 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Иқлим».  
07.05 «Изҳор».  
07.15 ТелеТеатр: «Қоматингдан ўргилай».  
07.50 «Олтин мерос».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
09.40 «Бизнинг кутубхона».  
09.55 Андижон вилоят телерадиокомпанияси намоиш этади:  
1. «Қадриятлар жилоси». 2. «Юртошлар».  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Туташ тақдирлар».  
11.50 «Ахборот».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим».  
12.55 «Турмуш чорраҳаларида».  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
15.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Г. Доницетти. «Полк кизи». 1-қисм.  
16.05 «Тезкор хабарлар».  
16.15 «Саёҳатга марҳабо!»  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Худудлар ҳаёти».  
«Болалар сайёраси»:  
17.25 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
17.45 «Турмуш чорраҳаларида».  
18.30 «Рамазон тухфаси».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.00 «Навоийни англаш».  
19.30 «Ахборот».  
20.00 «Кун мавзуси».

20.10 «Туташ тақдирлар».  
21.00 «Ахборот».  
21.30 Эркин мавзу.  
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.35 «Иқлим».  
22.40 «Марко Поло». Б/ф. 1-қисм.  
00.05 – 00.10 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
00.15 «Тараннум».  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Нафосат олами».  
01.40 «Салом, ёшлар!»  
02.40 «Маънавият» дастури.  
03.40 «Рамазон тухфаси».  
04.00 «Ахборот».  
04.30 ТелеТеатр: «Қоматингдан ўргилай».  
05.05 «Икки дарё оралигида».  
05.25 «Навоийни англаш».  
05.45 – 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

**Қадрли телетомошабнлар!**  
**Профилактика муносабати билан 15 сентябрь кунини «Yoshlar» телеканални ўзининг курсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.**  
15.00 «Ватанпарвар».  
15.40 «Истиклол саодати».  
15.45 «Тошкент илҳомлари».  
15.55 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Миллий мультфильм».  
16.30 «Фанга бир назар».  
16.45 2009 йил – Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Кишлоқ ва таълим».  
16.55 «Табиатни асрайлик!»  
17.00 «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Б/ф.

18.30 «Янги мавсум».  
18.45 «Истиклол навоси».  
18.55 «Устозга таъзим».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
20.20 «Ҳаёт сўқмоқлари».  
20.40 Уқитувчи ва мураббийлар кунини олдидан: «Келажак эгалари».  
20.50 «Ҳаёт симфонияси».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Кўнги».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 Киноклассика: «Кўза».  
23.00 «Табассум қил!»  
23.30 «Тошкент илҳомлари».  
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».  
00.00 «Салом, ёшлар!»  
01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой».  
9.30 «Пойтахт».  
9.45 «Тошкентда латифа».  
9.55 «Уйларим».  
10.00 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Саломат бўлинг!»  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Милагрос». Т/с  
11.15 «Аёл қалби».  
11.35 «Бенжи». Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.05 «Фурур кўрғони».  
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55 «Телекуррьер-маркет».  
18.15 «Қонун доирасида».

18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Истебод».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.  
21.00 «Репортаж».  
21.10 «Менинг маҳаллам».  
21.25 «Уйларим».  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Телекуррьер-маркет».  
22.15 «Кино SMS со звёздами».  
22.20-23.50 «Смерть среди айсбергов». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
7.50 «Тет-а-тет».  
8.00 «Хабарлар» (рус тил)  
8.25 «Малахов +».  
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.  
9.30 «Хабарлар».  
9.55 Баскетбол. Чемпионат Европы. Мужчины.  
11.00 «Футбол шарҳи».  
11.25 «Спорт – менинг ҳаётим».  
11.50 «Профринг».  
12.50 – 13.10 Миллий эстрада - симфоник оркестрининг концерт дастури.

17.55 Футбол. ОФК кубоги. «Нефтчи» - «Саут Чайна» (Гонконг) Тўғридан-тўғри олиб курсатилади. Танафусда «Тет-а-тет».  
18.50 «Хабарлар».  
19.10 Гандбол. Ўзбекистон кубоги.  
20.05 Футзал. Ассоциация кубоги. Ярим финал.  
21.30 «Хабарлар».  
21.55 Теннис. АҚШ очик чемпионати. Финал. Эркалар.  
22.55 Современное пятиборье. Чемпионат мира.

23.40 Футбол. УЕФА Чемпионлар Лигаси «Бешиктош» - «Манчестер Юнайтед». Тўғридан-тўғри олиб курсатилади.  
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
07.30 Prime time (рус).  
07.40 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаш ийқ».  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Притворщик».  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «Смерть на похоронах» худ. фильм.  
13.10 Ўзбек наволари.  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаш ийқ».  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ».  
16.30 Ўзбек наволари.  
17.30 Премьера (узб).  
18.00 Prime time (рус).  
18.10 Ўзбек наволари.  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаш ийқ».  
19.00 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК».  
22.00 «В ПОГОНЕ ЗА СЧАСТЬЕМ» худ. фильм.  
00.05 Миксер.

**«УЗНТТ»**

04:05 «Зиё» студияси намоиш этади.  
04:25 Барҳаёт наволар.  
05:00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадий-маърифий дастур.  
05:30 Барҳаёт наволар.  
06:05 «Янги ой чиққан кеча» В/ф (2-қисм).  
06:30 «Асрлар садоси».  
07:00 «Улугимсан, Ватаним!» му-

сикий дастур.  
07:30 «ХУДУД».  
07:50 «Сугдиёна».  
08:00 «Яши кайфият».  
08:30 Болалар соати: «Янги авлод».  
09:10 «Ёшлар» студияси курсатуви.  
09:30 «Уйин». Б/ф.  
09:40 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
11:00 «Кутилмаган томоша».  
11:10 Хужжатли фильм.  
11:35 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
12:15 «Бизнес репорт».  
12:30 «Денгиз аждаҳоси» Т/с.  
13:00 «Иўқотилган йиллар» Т/с.  
13:30 «Хижрон» т/с.  
14:00 Кўнги наволари.  
14:30 Оилавий экран: «Оқ занжирлар» б/ф.  
16:00 «Добрый Никитич в ирон Горыныч» мультфильм.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:40 «Ёшлар» студияси курсатуви.  
18:00 «Тарона».  
18:30 «Асрлар садоси».  
19:00 «Зиё» студияси намоиш этади.  
19:20 «Буни ҳаёт дейдилар» бадий-маърифий дастур.  
19:35 «Янги ой чиққан кеча» в/ф.  
20:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с.  
20:30 «ХУДУД».  
20:50 «Сугдиёна».  
21:00 «Хижрон» т/с.  
21:30 «Бизнес-репорт».  
21:45 «Истиклол нашедаси».  
22:00 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
22:30 «25-кадр» кинокурсатув.  
23:00 «Хавфли бурилиш» б/ф.  
23:20 «Уйку қочганда» мусликий дастур.  
00:30 «ХУДУД».

**ЧОРШАНБА, 16 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Иқлим».  
07.05 «Изҳор».  
07.15 ТелеТеатр: «Қоматингдан ўргилай».  
07.50 «Олтин мерос».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Маънавият» дастури.  
09.40 «Худудлар ҳаёти».  
09.55 «Ягона оилада».  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
10.55 «Эски альбом».  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Кун мавзуси».  
11.25 «Туташ тақдирлар».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим».  
12.55 «Турмуш чорраҳаларида».  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Рангин дунё».  
14.40 «Эркин иқтисодиёт».  
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Г. Доницетти. «Полк кизи». 2-қисм.  
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».  
«Болалар сайёраси»:  
17.25 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
17.45 «Турмуш чорраҳаларида».  
18.30 «Рамазон тухфаси».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.00 «Менинг оилам».  
19.30 «Ахборот».  
20.05 «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.00 «Ахборот».

21.30 2009 йил - Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Кишлоқ ҳаёти».  
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.35 «Иқлим».  
22.40 «Марко Поло». Б/ф. 2-қисм.  
00.05 – 00.10 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
00.15 «Кишлоқ ҳаёти».  
00.35 «Менинг оилам».  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Очун».  
01.40 «Салом, ёшлар!»  
02.40 «Маънавият» дастури.  
03.40 «Рамазон тухфаси».  
04.00 «Ахборот».  
04.35 ТелеТеатр: «Қоматингдан ўргилай».  
05.10 «Икки дарё оралигида».  
05.30 «Нафосат олами».  
05.40 – 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

07.00 «Салом, ёшлар!»  
08.00 «Дил пайванди». Т/с.  
08.50 «Табиатни асрайлик!»  
09.00 «Бобур хазинаси».  
09.05 «Шеюрак». Т/с.  
09.50 «UzEX».  
09.55 «Истиклол саодати».  
10.00 «ДАВР».  
10.10 «Даврнинг боласи».  
10.20 «Чашма».  
10.30 «Болалар табассуми».  
10.40 «Сирли ўрмонча».  
11.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
11.50 «Қадим ўлка достони».  
12.30 2009 йил – Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Кишлоқ тараққиёти».  
12.55 «Истиклол шуқуҳи».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Даврнинг боласи».

13.20 «Кишлоқ ва таълим».  
13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
14.20 «Шарқ гавҳари».  
15.00 «Салом, ёшлар!»  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Миллий мультфильм».  
16.30 «Фанга бир назар».  
16.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».  
16.50 «Келажак эгалари».  
17.00 «Тошкент таронаси».  
17.10 «Тош ва гул». Б/ф.  
18.30 «Янги мавсум».  
18.40 «UzEX».  
18.45 «Истиклол навоси».  
18.55 «Устозга таъзим».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
20.20 «Инсон психологияси».  
20.50 «Ҳаёт симфонияси».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Кўнги».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 Миллий кино: «Ҳайвонот боғи».  
23.00 «Табассум қил!»  
23.20 «Тасвир ва таассурот».  
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».  
00.00 «Салом, ёшлар!»  
01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой».  
9.30 «Пойтахт».  
9.45 «Репортаж».  
9.55 «Уйларим».  
10.00 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Тошкентда латифа».  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Милагрос». Т/с  
11.15 «Қонун доирасида».

11.30 «Буронлар ҳукмдори». Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.10 «Тогларнинг гули узгача». Т/ф.  
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55 «Телекуррьер-маркет».  
18.15 «Саломат бўлинг!»  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «ДАВР».  
19.55 «Тошкент-2200».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.  
21.00 «Интервью».  
21.10 «Менинг шахрим».  
21.25 «Уйларим».  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Телекуррьер-маркет».  
22.15 «Кино SMS со звёздами».  
22.20 - 23.55 «Человек с бульвара Капуцинов». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
7.50 «Тет-а-тет».  
8.00 «Хабарлар».  
8.25 «Малахов +».  
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.  
9.30 «Хабарлар» (узб тил)  
9.55 Футбол. ОФК кубоги. «Нефтчи» - «Саут Чайна» (Гонконг)  
11.30 - 13.05 Футбол УЕФА Чемпионлар Лигаси «Бешиктош» - «Манчестер Юнайтед».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Футбол мундиал».  
18.30 «Хабарлар».

18.55 Гандбол. Ўзбекистон кубоги.  
19.50 «Спортлото».  
20.05 Футзал. Ассоциация кубоги. Финал.  
21.30 «Хабарлар».  
21.55 Футбол УЕФА Чемпионлар Лигаси.  
23.40 Футбол УЕФА Чемпионлар Лигаси «Интер» - «Барселона». Тўғридан-тўғри олиб курсатилади.  
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
08.00 «Жассига ўхшаш ийқ».  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Притворщик».  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «В погоне за счастьем» худ. фильм.  
13.35 Ўзбек наволари.  
14.20 Prime time (рус).  
14.30 «Кинокуррьер».  
15.00 «Жассига ўхшаш ийқ».  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ».  
16.30 Ўзбек наволари.  
18.30 «Жассига ўхшаш ийқ».  
19.00 Ўзбек наволари.  
20.00 «М-files».  
20.30 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК».  
22.00 Киноколлекция: «БУМАЖНЫЙ СОЛДАТ» худ.фильм.  
00.00 Миксер.

**«УЗНТТ»**

04:05 «Зиё» студияси намоиш этади.  
04:25 Барҳаёт наволар.  
05:00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадий-маърифий дастур.  
05:30 Барҳаёт наволар.  
06:05 «Янги ой чиққан кеча» В/ф (3-қисм).

06.30 «Асрлар садоси».  
07:00 «Улугимсан, Ватаним!» мусликий дастур.  
07:30 «ХУДУД».  
07:50 «Сугдиёна».  
08:00 «25-кадр» кинокурсатув.  
08:30 Болалар соати: «Янги авлод».  
09:10 «Ёшлар» студияси курсатуви.  
09:30 «Хавфли бурилиш» б/ф.  
09:50 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
11:00 «Кутилмаган томоша».  
11:10 Хужжатли фильм.  
11:35 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
11:45 «Тарона».  
12:15 «Бизнес репорт».  
12:30 «Денгиз аждаҳоси» т/с.  
13:00 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
13:30 «Хижрон» т/с.  
14:00 Кўнги наволари.  
14:30 Оилавий экран: «13.30 дан» Б/ф.  
16:00 «Бэмби» мультфильм.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:40 «Ёшлар» студияси курсатуви.  
18:00 «Тарона».  
18:30 «Асрлар садоси».  
19:00 «Зиё» студияси намоиш этади.  
19:20 «Буни ҳаёт дейдилар» бадий-маърифий дастур.  
19:35 «Янги ой чиққан кеча» в/ф.  
20:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с.  
20:30 «ХУДУД».  
20:50 «Сугдиёна».  
21:00 «Хижрон» т/с.  
21:30 «Бизнес-репорт».  
21:45 «Истиклол нашедаси».  
22:00 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
22:30 «Дилкаш лаҳзалар».  
23:00 Кечки кинозал: «Адвокатлар» б/ф.  
00:30 «ХУДУД».

**ПАЙШАНБА, 17 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
07.00 «Иқлим».  
07.05 «Изҳор».  
07.10 ТелеТеатр: «Аёллар машамаси».  
07.55 «Олтин мерос».  
08.00 «Ахборот».  
08.40 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
09.40 «Цирк, цирк, цирк».  
09.55 «Мулкдор».  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Туташ тақдирлар».  
11.50 «Ахборот».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим».  
12.55 «Турмуш чорраҳаларида».  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Финли ва унинг дўстлари». М/с.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ўзбекистон - умумий уйимиз».  
14.50 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».  
15.10 «Олам ва одам».  
16.00 «Тезкор хабарлар».  
16.15 «Ҳаёт манзаралари».  
16.20 «Менинг оилам».  
16.40 «Икки дарё оралигида».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Эзгулик».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
17.50 «Турмуш чорраҳаларида».  
18.30 «Рамазон тухфаси».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.00 «Камолот остонаси».  
19.30 «Ахборот».

20.05 «Туташ тақдирлар».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Хонадон».  
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.40 «Иқлим».  
22.50 «Олам ва одам».  
23.40 – 23.50 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
23.55 «Ўзбекистон - умумий уйимиз».  
00.25 «Хонадон».  
00.50 «Юртим бўйлаб».  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Очун».  
01.40 «Салом, ёшлар!»  
02.40 «Маънавият» дастури.  
03.40 «Рамазон тухфаси».  
04.00 «Ахборот».  
04.35 ТелеТеатр: «Аёллар машамаси».  
05.20 «Икки дарё оралигида».  
05.40 – 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

07.00 «Салом, ёшлар!»  
08.00 «Дил пайванди». Т/с.  
08.50 «Сувни асрагин!»  
09.00 «Навоий хазинаси».  
09.05 «Шерюрак». Т/с.  
09.50 «UzEX».  
09.55 «Истиклол саодати».  
10.00 «ДАВР».  
10.10 «Даврнинг боласи».  
10.20 «Кичкинтойлар боғи».  
10.30 «Келажак эгалари».  
10.40 «Соғлик – бойлик».  
11.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
11.50 «Кўнги куйи». 1-қисм.  
12.30 «Бугундан эсдалик».  
12.55 «Таълимга эътибор – кел-

лажакка эътибор».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Даврнинг боласи».  
13.20 «Табиатни асрайлик!»  
13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
14.20 «Шарқ гавҳари».  
15.00 «Салом, ёшлар!»  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Миллий мультфильм».  
16.30 «Фанга бир назар».  
16.45 «Тошкент таронаси».  
16.50 «Чемпион».  
17.10 «Тош ва гул». Б/ф.  
18.30 «Янги мавсум».  
18.45 «Истиклол навоси».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
20.20 «KINOMANIYA».  
20.50 «Ҳаёт симфонияси».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Кўнги».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 Киноклассика: «Совға».  
23.10 «Табассум қил!»  
23.40 Митти сериал: «Каминанинг оиласи».  
00.00 «Салом, ёшлар!»  
01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
9.20 «Карвонсарой».  
9.30 «Пойтахт».  
9.45 «Интервью».  
9.55 «Уйларим».  
10.00 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Дурдона».  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Милагрос». Т/с  
11.15 «Бенхур». Б/ф. 1-қисм.  
13.00 «Салом, Тошкент!»

14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
17.10 «Табиат билан юзма-юз». Т/ф.  
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
17.45 «Карвонсарой».  
17.55 «Телекуррьер-маркет».  
18.15 «Эртамиз эгалари».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Иқтисод-ревью».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.  
21.00 «Репортаж».  
21.10 «Этикод».  
21.25 «Уйларим».  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Телекуррьер-маркет».  
22.15 «Кино SMS со звёздами».  
22.20-00.00 «Эдвард - рэки ножицы». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
7.50 «Тет-а-тет».  
8.00 «Хабарлар».  
8.25 «Малахов +».  
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси». Болалар учун мультсериал.  
9.30 «Хабарлар».  
9.55 Регби. «Кубок трёх наций».  
«Новая Зеландия» - ЮАР.  
11.00 Футбол. Чемпионат Европы. Женщины. Финал.  
12.30 – 13.00 «Ринг».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18

**ЖУМА, 18 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**  
 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 07.00 «Иқлим».  
 07.05 «Изҳор».  
 07.10 ТелеТеатр: «Аёллар маш-машаси».  
 07.55 «Олтин мерос».  
 08.00 «Ахборот».  
 08.40 «Маънавият» дастури.  
 «Болалар сайёраси»:  
 09.40 «Болалар дунёси».  
 10.00 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».  
 10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.  
 11.00 «Ахборот».  
 11.15 «Очун».  
 11.25 «Туташ тақдирлар».  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.50 «Иқлим».  
 12.55 «Ҳаёт манзаралари».  
 13.00 «Турмуш чорраҳаларида».  
 «Болалар сайёраси»:  
 13.40 «Финли ва унинг дўстлари».  
 М/с.  
 14.00 «Ахборот».  
 14.20 «Тараққиёт сари».  
 14.40 «Олам ва одам».  
 15.35 «Қишлоқ ҳаёти».  
 16.00 «Ҳамон ёдимда...»  
 16.40 «Икки дарё оралигида».  
 17.00 «Ахборот».  
 17.10 «Саломатлик дастури».  
 «Болалар сайёраси»:  
 17.25 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
 17.45 «Турмуш чорраҳаларида».  
 18.25 «Рамазон тухфаси».  
 18.45 «Саломат бўлинг!»  
 19.05 «Кун мавзуси».  
 19.30 «Ахборот».

20.05 «Туташ тақдирлар».  
 20.45 «Соз сеҳри».  
 21.00 «Ахборот».  
 21.30 «Муқаддас қадамжолар».  
 21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.  
 22.40 «Иқлим».  
 22.50 «Олам ва одам».  
 23.40 - 23.50 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
 23.55 «Ҳамон ёдимда...»  
 00.35 «Муқаддас қадамжолар».  
 01.00 «Ахборот».  
 01.30 «Очун».  
 01.40 «Салом, ёшлар!»  
 02.40 «Маънавият» дастури.  
 03.40 «Рамазон тухфаси».  
 04.00 «Ахборот».  
 04.35 ТелеТеатр: «Аёллар маш-машаси».  
 05.20 «Икки дарё оралигида».  
 05.40 - 05.55 Тунги наволар.

**«Yoshlar»**  
 07.00 «Салом, ёшлар!»  
 08.00 «Дил пайванди». Т/с.  
 08.50 «Табиатни асрайлик!»  
 09.00 «Бобур хазинаси».  
 09.05 «Шерюрак». Т/с.  
 09.50 «UzEX».  
 09.55 «Истиқлол шукухи».  
 10.00 «ДАВР».  
 10.10 «Даврнинг боласи».  
 10.20 «Сирли ўрмонча».  
 10.40 «Чемпион».  
 11.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
 11.50 «Кунгил қуйи». 2-қисм.  
 12.30 «Илҳом қанотлари».  
 12.50 «UzEX».  
 12.55 «Истиқлол саодати».  
 13.00 «ДАВР».

13.10 «Даврнинг боласи».  
 13.20 «Устозлар».  
 13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
 14.20 «Тараннум».  
 15.00 «Салом, ёшлар!»  
 16.00 «ДАВР».  
 16.10 «Даврнинг боласи».  
 16.20 «Миллий мультфильм».  
 16.30 «Фанга бир назар».  
 16.45 «Тошкент таронаси».  
 16.50 «Тасвир ва таассурот».  
 17.10 «Зита ва Гита». Б/ф.  
 18.20 «Истиқлол навоси».  
 18.30 «Янги мавсум».  
 18.40 «UzEX».  
 18.45 «Табассум қил!»  
 18.55 «Устозга таъзим».  
 19.00 «ДАВР».  
 19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
 20.20 «Бугун».  
 20.50 «Ҳаёт симфонияси».  
 21.00 «Шерюрак». Т/с.  
 21.50 «Кунгил».  
 22.00 «ДАВР».  
 22.30 Миллий кино: «Галатепа-лик авлиё».  
 23.00 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
 23.30 «Тошкент илҳомлари».  
 23.40 Митти сериал: «Камина-нинг оиласи».  
 00.00 «Салом, ёшлар!»  
 01.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**  
 7.30 «Салом, Тошкент!»  
 8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
 8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
 9.20 «Карвонсарой».  
 9.30 «Пойтахт».  
 9.40 «Эртамиз эгалари».  
 9.55 «Ўйларим».  
 10.00 «Телекуррьер-маркет».  
 10.20 «Репортаж».  
 10.30 «Пойтахт».

10.40 «Милагрос». Т/с  
 11.10 «Бенхур». Б/ф 2 - қисм.  
 13.00 «Салом, Тошкент!»  
 14.00 «Дунё» теледастури.  
 14.50 «Иқтисод-ревью».  
 15.00 «ДАВР».  
 15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
 16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.  
 17.10 «Куз». Т/ф.  
 17.25 «Афиша».  
 17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.  
 17.45 «Карвонсарой».  
 17.55 «Телекуррьер-маркет».  
 18.15 «Маърифат фидойилари».  
 18.30 «Пойтахт».  
 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
 19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
 19.45 «Саломат бўлинг!»  
 20.00 «Пойтахт».  
 20.25 «Ачиқ ёлгон». Т/с.  
 21.00 «Интервью».  
 21.10 «Менинг шахрим».  
 21.25 «Ўйларим».  
 21.30 «Пойтахт».  
 21.55 «Телекуррьер-маркет».  
 22.15 «Кино SMS со звездами».  
 22.20-23.45 «Капитан Зум». Х/ф.

**«Sport»**  
 7.00 «Бодрое утро».  
 7.50 «Тет-а-тет».  
 8.00 «Хабарлар».  
 8.25 «Малахов +».  
 9.05 «Дангасалар шахарчаси».  
 Болалар учун мультсериал.  
 9.30 «Хабарлар».  
 9.55 Футбол. Ўзбекистон чемпи-онати «Севинч» - «Андижанка».  
 10.40 «Баркамол авлод».  
 11.00 Легкая атлетика. Мировой легкоатлетический финал.  
 11.45 - 13.20 Футбол УЕФА

Чемпионлар Лигаси «Челси» - «Порту».  
 18.00 «Тет-а-тет».  
 18.10 «Хабарлар».  
 18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпи-онати «Пахтакор» - «Кизилкум».  
 Тургидан-турги олиб курсатилди.  
 20.25 «ГОЛ».  
 21.30 «Хабарлар».  
 21.55 ИнтерФутбол.  
 23.30 Гандбол. Ўзбекистон кубоги.  
 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**  
 07.00 Ўзбек наволари.  
 08.00 «Жассига ўхшаши йўқ».  
 08.30 Ўзбек наволари.  
 09.30 Сериал «Притворщик».  
 10.30 Ўзбек наволари.  
 11.30 «Сахролар жангчиси» ба-дийий фильм.  
 13.10 Ўзбек наволари.  
 14.20 Prime time (рус).  
 14.30 Ўзбек наволари.  
 15.00 «Жассига ўхшаши йўқ».  
 15.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ».  
 16.30 Ўзбек наволари.  
 17.30 Премьера (рус).  
 18.00 Ўзбек наволари.  
 18.30 «Жассига ўхшаши йўқ».  
 19.00 Ўзбек наволари.  
 20.00 «Тунлар муборак».  
 20.30 Ўзбек наволари.  
 21.00 «ПРИТВОРЩИК».  
 22.00 «ДРЯННАЯ ДЕВЧОНКА» худ.фильм.  
 23.40 Миксер.

**«УзНТТ»**  
 04:05 «Зиё».  
 04:25 Барҳаёт наволар.

05:00 «Буни ҳаёт дейдилар» бадийий-маърифий дастури.  
 05:30 Барҳаёт наволар.  
 06:05 «Янги ой чиққан кеча».  
 06:30 «Асрлар садоси».  
 07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» муסיкий дастури.  
 07:30 «ХУДУД».  
 07:50 «Сугдиёна».  
 08:00 «Янги кайфият».  
 08:30 «Янги авлод».  
 09:10 «Ёшлар».  
 09:30 «Бошсиз чавандоз» б/ф.  
 11:00 Қўтилмаган томоша.  
 11:10 Хўжжатли фильм.  
 11:35 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
 11:45 «Тарона».  
 12:15 «Бизнес репорт».  
 12:30 «Денгиз аждаҳоси».  
 13:00 «Йўқотилган йиллар».  
 13:30 «Хижрон» т/с.  
 14:00 Кунгил наволари.  
 14:30 Оилавий экран: «Нарния салтанати солномаси» б/ф.  
 16:15 «Тачки» мультфильм.  
 17:00 «Янги авлод».  
 17:40 «Ёшлар».  
 18:00 «Тарона».  
 18:30 «Асрлар садоси».  
 19:00 «Зиё».  
 19:20 «Буни ҳаёт дейдилар» бадийий-маърифий дастури.  
 19:35 «Янги ой чиққан кеча».  
 20:00 «Денгиз аждаҳоси».  
 20:30 «ХУДУД».  
 20:50 «Сугдиёна».  
 21:00 «Хижрон» т/с.  
 21:30 «Бизнес-репорт».  
 21:45 «Истиқлол нашидаси».  
 22:00 «Йўқотилган йиллар».  
 22:30 «25 кадр» кинокурсатув.  
 23:00 Кечки кинозал: «Гузалик сири» б/ф.  
 00:30 «ХУДУД».

**ШАНБА, 19 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**  
 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 07.00 «Иқлим».  
 07.10 Миллий кино: «Дард». 1-қисм.  
 07.50 «Олтин мерос».  
 08.00 «Ахборот».  
 «Болалар сайёраси»:  
 08.40 «Қирол шер». М/ф.  
 10.10 «Юртим бўйлаб».  
 10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Ди-дар».  
 11.00 «Оналар мактаби».  
 11.20 «Туташ тақдирлар».  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 13.00 «Иқлим».  
 13.10 «Очун».  
 13.20 «Турмуш чорраҳалари-да».  
 13.55 «Ҳаёт манзаралари».  
 14.00 «Ахборот».  
 14.20 «Оҳанрабо».  
 15.00 «Минг бир маслаҳат».  
 15.20 «Устоз Ран Кларк». Б/ф.  
 16.45 «Очун».  
 «Болалар сайёраси»:  
 17.00 «Ўйла, Изла, Топ!»  
 17.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
 18.05 «Саломатлик сирлари».  
 18.25 «Рамазон тухфаси».  
 18.45 «Кўҳна оҳанглар».  
 19.00 «Рангин дунё».  
 19.30 «Ахборот».  
 20.05 «Денгиздан томчи».  
 20.35 «Шарқ тароналари».  
 21.00 «Ахборот».  
 21.35 «КиноТеатр».  
 22.00 «Эътиқод». Б/ф.  
 23.30 - 23.35 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**  
 23.40 Миллий кино: «Мафтуни-нган».  
 01.00 «Ахборот».  
 01.30 «Очун».  
 01.40 «Салом, ёшлар!»  
 02.40 «Оҳанрабо».  
 03.20 «Рангин дунё».  
 03.40 «Рамазон тухфаси».  
 04.00 «Ахборот».  
 04.35 Миллий кино: «Орзу ор-тида».  
 05.40 - 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**  
 06.55 Дастирунинг очилиши.  
 07.00 «Салом, ёшлар!»  
 08.00 «Дил пайванди». Т/с.  
 08.50 «Ҳаёт симфонияси».  
 09.00 «Навоий хазинаси».  
 09.05 «Шерюрак». Т/с.  
 09.50 «UzEX».  
 09.55 «Истиқлол саодати».  
 10.00 «ДАВР».  
 10.10 «Даврнинг боласи».  
 10.20 «Болалар табассуми».  
 10.30 «Оловдан огоҳ бўл!»  
 10.50 «Табиатни асрайлик!»  
 11.00 Киноклассика: «Кузги ма-рафон».  
 12.30 «Ўзбегим».  
 12.50 «UzEX».  
 12.55 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».  
 13.00 «ДАВР».  
 13.10 «Даврнинг боласи».  
 13.20 «Кичкинтойлар боғи».  
 13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
 14.20 «Шарқ гавҳари».  
 15.00 «Салом, ёшлар!»

16.00 «ДАВР».  
 16.10 «Даврнинг боласи».  
 16.20 «Миллий мультфильм».  
 16.40 «Чемпион».  
 17.00 «Истиқлол навоси».  
 17.10 «Зита ва Гита». Б/ф.  
 18.20 «Янги мавсум».  
 18.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
 18.55 «Устозлик ҳикмати».  
 19.00 «ДАВР».  
 19.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
 20.20 «Айланай».  
 20.40 «13-студия».  
 21.00 «Шерюрак». Т/с.  
 21.50 «Ҳаёт симфонияси».  
 22.00 «ДАВР».  
 22.30 Жаҳон киноси: «Табиатни севиш шарт!»  
 00.00 «Салом, ёшлар!»  
 01.00 «Тунги парвоз».  
 01.30 Жаҳон киноси: «Дарз».  
 03.30 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**  
 7.30 «Салом, Тошкент!»  
 8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
 8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
 9.20 «Карвонсарой».  
 9.30 «Пойтахт».  
 9.45 «Интервью».  
 9.55 «Ўйларим».  
 10.00 «Телекуррьер-маркет».  
 10.20 «Саломат бўлинг!»  
 10.30 «Пойтахт».  
 10.40 «Милагрос». Т/с  
 11.15 «Афиша».  
 11.25 «Алоқа». Б/ф.  
 13.00 «Салом, Тошкент!»  
 14.00 «Дунё» теледастури.  
 14.50 «Туризм ҳақида».  
 15.25 «Аёл қалби». Т/с.  
 16.20 «Кинотакдим».

16.50 «Мулоҳаза учун мавзу».  
 17.20 «Хуқуқшунос маслаҳати».  
 17.25 «Афиша».  
 17.35 «Қундуз амакининг ҳикоя-лари». М/ф.  
 17.45 «Карвонсарой».  
 17.55 «Телекуррьер-маркет».  
 18.15 «Истеъдод».  
 18.30 «Пойтахт».  
 18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
 19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
 19.45 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Т/ф.  
 20.00 «Пойтахт».  
 20.20 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат да-стурунинг ижроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар».  
 21.00 «Ачиқ ёлгон». Т/с.  
 21.30 «Пойтахт».  
 21.55 «Телекуррьер-маркет».  
 22.15 «Кино SMS со звездами».  
 22.20-1.00 Индийское кино: «Любимый Раджа». Х/ф 1-2се-рии.

**«Sport»**  
 8.00 «Бодрое утро».  
 8.50 «Тет-а-тет».  
 9.00 «Хабарлар».  
 9.25 «Соғлом оила».  
 10.00 «Хабарлар».  
 10.25 «Спорт - менинг ҳаётим».  
 10.50 «Ғолиб». Мультфильм.  
 12.15 «Стать ближе». Ток шоу.  
 13.00 «Файтер». Восточные еди-ноборства.  
 13.25-14.15 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар бел-лашуви».  
 18.00 «Маҳалла миш паҳлавонла-ри».

18.30 «Хабарлар».  
 18.55 «Фоторевью».  
 19.15 «Аёл ифори».  
 19.50 Футбол. Ўзбекистон чем-пионати. «Бухоро» - «Бунёдкор».  
 21.30 «Хабарлар».  
 21.55 «РИНГ».  
 22.25 ИнтерФутбол.  
 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**  
 07.00 Ўзбек наволари.  
 07.30 Prime time (рус).  
 07.40 Ўзбек наволари.  
 09.30 Мультфильм.  
 10.30 Baby hits .  
 11.00 Ўзбек наволари.  
 11.30 «Дрянная девчонка» худ-фильм.  
 13.20 Ўзбек наволари.  
 14.30 «Тўнлар муборак».  
 15.00 «ПОСЛЕДНЯЯ ФАНТА-ЗИЯ» худ.фильм.  
 17.00 Ўзбек наволари.  
 18.00 Prime time (рус).  
 18.10 Ўзбек наволари.  
 19.00 «Топ-10».  
 20.00 Ўзбек наволари.  
 20.30 «Бизнинг муסיқа».  
 21.30 «Премьера» (узб).  
 22.00 «ИНТЕРНЭШНЛ» худ. фильм.  
 00.05 Миксер.

**«УзНТТ»**  
 04:05 «Зиё» студияси намойиш этади.  
 04:25 Барҳаёт наволар.  
 05:00 «Буни ҳаёт дейдилар» ба-дийий-маърифий дастури.  
 05:30 Барҳаёт наволар.

06:00 «Атиргул» в/ф (1-қисм).  
 06:30 «Асрлар садоси».  
 07:00 «Улуғимсан, Ватаним!» муסיкий дастури.  
 07:30 «ХУДУД».  
 07:50 «Сугдиёна».  
 08:00 НТТ да ҳажвия.  
 08:20 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
 08:30 Болалар соати: «Янги авлод».  
 09:10 «Ёшлар» студияси курсат-уви.  
 09:30 «Гузалик сири» б/ф.  
 11:00 «Тарона».  
 11:30 Худудий телестанциялар лойиҳалари.  
 11:45 НТТ да ҳажвия.  
 12:00 «Денгиз аждаҳоси» т/с.  
 14:00 «ХУДУД».  
 14:30 «Гуру» б/ф (Ҳиндистон).  
 17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
 17:50 «Оилангиз шифокори».  
 18:00 «Тарона».  
 18:30 «Асрлар садоси».  
 19:00 «Зиё» студияси намойи-ш этади.  
 19:20 «Буни ҳаёт дейдилар» бадийий-маърифий дастури.  
 19:35 «Атиргул» в/ф.  
 20:00 «Сугдиёна».  
 20:15 «Муштарак манзил» му-сикий дастури.  
 20:30 «Дийдор ширин».  
 21:30 НТТ да ҳажвия.  
 21:45 «Истиқлол нашидаси».  
 22:00 НТТда премьераси: «Мен нега севиб қолдим» б/ф (Ҳин-дистон).

**ЯКШАНБА, 20 СЕНТЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**  
 06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 07.00 «Иқлим».  
 07.10 Миллий кино: «Дард». 2-қисм.  
 07.45 «Тонгги наволар».  
 08.00 «Ахборот».  
 «Болалар сайёраси»:  
 08.35 «Бизнинг кутубхона».  
 08.45 «Кулол ва хумча». Б/ф.  
 10.00 «Саломатлик сирлари».  
 10.20 «Минг бир хунар».  
 10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
 11.20 «Ҳамон ёдимда...»  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 13.00 «Иқлим».  
 13.10 «Кинотакдим».  
 13.35 Ҳинд киноси: «Вир ва Зара».  
 «Болалар сайёраси»:  
 16.40 «Бувим ёлган нон». В/ф.  
 17.40 «Турмуш чорраҳалари-да».  
 18.20 «Минг бир ривоят».  
 18.25 «Айёмингиз муборак!»  
 18.45 «Олтин мерос».  
 19.00 «Шўрданак». Ҳажвий курсатув.  
 19.25, 20.55 Ёшонлар.  
 19.30 «Тахлилнома».  
 20.05 «Денгиздан томчи».  
 20.35 «Кунгил қўшиқ истайди».  
 21.00 «Тахлилнома».  
 21.40 «Азизим».  
 22.10 «Капалак ови». Б/ф.  
 Премьера.  
 24.00 - 00.10 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**  
 00.15 «Азизим».  
 00.45 «Юртим бўйлаб».  
 01.00 «Тахлилнома».  
 01.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
 02.20 «Минг бир хунар».  
 02.35 «Ўзбегим дўппилари».  
 02.55 «Денгиздан томчи».  
 03.25 «Олтин мерос».  
 03.35 «Айёмингиз муборак!»  
 04.00 «Тахлилнома».  
 04.45 «Шашмақом». Фильм-кон-церт.  
 05.45 - 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**  
 06.55 Дастирунинг очилиши.  
 07.00 «Бугун».  
 07.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
 08.00 Миллий кино: «Кичкина табиб».  
 09.30 «Истиқлол навоси».  
 09.40 «Соғлик - бойлик».  
 10.00 «Ватанпарвар».  
 10.40 «Шерюрак». Т/с.  
 11.25 «Устозлик ҳикмати».  
 11.30 «Қизил қор ёқанда».  
 Б/ф.  
 12.50 «Болалар табассуми».  
 13.00 «Инсон психологияси».  
 13.30 «Тонгги шудринг». Т/с.  
 14.20 «Айланай...»  
 14.40 «Камолот хабарлари».  
 14.50 «Табиатни асрайлик!»  
 15.00 Миллий кино: «Йўқолган одам».

16.20 «Ҳаёт симфонияси».  
 16.30 «Маслаҳат». Ҳажвия.  
 17.00 «Ўзбегим матолари».  
 17.20 «Самовий ишқ». Т/с.  
 18.20 «Янги мавсум».  
 18.30 «Табассум қил!»  
 18.45 «Ҳаёт симфонияси».  
 18.55 «Устозга таъзим».  
 19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.  
 19.30 «Рўзгор мактаби».  
 20.00 «Тараннум».  
 20.40 Миллий сериал: «Оққуш».  
 21.30 «KINOMANIYA».  
 22.00 «Биз ёлғиз эмасмиз».  
 Б/ф.  
 00.50 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**  
 7.30 «Салом, Тошкент!»  
 8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
 8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.  
 9.20 «Карвонсарой».  
 9.30 «Пойтахт».  
 9.45 «Репортаж».  
 10.00 «Телекуррьер-маркет».  
 10.20 «Афиша».  
 10.30 «Пойтахт».  
 10.45 Ўзбекино намойиш эта-ди: «Мўғулча Бузрук». Т/ф.  
 11.00 «Маугли». М/ф.  
 12.35 «Саргузаштлар ороли».  
 13.00 «Салом, Тошкент!»  
 14.05 «Чимилдиқ». Ўзбек Давлат миллий драма театрининг спек-такли.  
 15.55 «Телекуррьер-маркет».  
 16.15 «Тошкентда латифа».  
 16.20 «Карвонсарой».  
 16.30 «Болаликка қайтиб».

16.45 «Истеъдод».  
 17.00 «Зулмат заволи». Б/ф.  
 18.55 «Телекуррьер-маркет».  
 19.15 «Нима учун?»  
 19.55 «Тошкент оқшомлари».  
 20.30 «Туризм ҳақида».  
 21.00 - 23.45 «Кино SMS со звездами». «Давайте потанцу-ем». «Шаг вперед». «Танцуй до упаду».

**«Sport»**  
 8.00 «Бодрое утро».  
 9.00 «Хабарлар» (рус тил).  
 9.20 «Кувнок старлар».  
 10.00 «Хабарлар» (узб тил).  
 10.25 «ГОЛ».  
 11.25 «Аёл ифори».  
 12.00 «Аптека слушает».  
 12.45 «АВТОграф».  
 13.10 - 14.40 Спортивное кино: «Лихач». Художественный фильм.  
 \*\*\*  
 17.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.  
 17.30 Футбол. Англия чемпи-онати. «Манчестер Юнайтед» - «Манчестер сити». тургидан-турги олиб курсатилди.  
 19.30 «Спорт - менинг ҳаётим».  
 20.00 Футбол. Англия чемпи-онати. «Челси» - «Тоттенхэм».  
 тургидан-турги олиб курсатилди.  
 21.50

# САҲНАНИНГ ЮРАГИ ЭДИ...

Шукур Бурҳонов – ўзбек кино ва театр санъатининг даргаларидан бири. Бетакрор образлари билан халқимиз қалбидан абадий жой олган буюк актёр 1910 йил 15 сентябрда Тошкентда таваллуд топган. Унинг нутқи теран ва жозибатор эди. Саҳнага чиқишида сўзнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор қаратган. Шукур Бурҳонов оҳангнинг ранго-ранг бой турларидан усталик билан фойдаланар, ҳар бир яратган образининг нутқий характериға, таъсирчанлигиға, мазмундорлигиға жиддий эътибор берувчи санъаткор эди. Актёр нутқини муайян муддаоға эришиш учун узлуксиз ҳаракатлари давомида ўткир қурол сифатида ишлатарди. Шунингдек, у кўриш, эшитиш, ҳиссий билишда усталик билан фойдалана биларди. Натижада образининг ички кечинмаларидаги вазият, интилишнинг кўзгуси сифатида намоён бўларди.



Ҳамза асарларидаги Ғофур («Бой ила хизматчи»), Одилбек («Холисхон») образларида актёрнинг янги қирралари очилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Олеко Дундич («Олеко Дундич»), Баттол («Муқанна»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), урушдан кейин Собир Раҳимов («Генерал Раҳимов»), Максимов («Денгизчилар учун») каби ролларни ўйнади. Кейинчалик романтик актёр, фожиавий ролларнинг моҳири устаси сифатида шухрат қозониб, чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган образлар яратди. Гамлет («Гамлет»), Ромео («Ромео ва Жульетта»), Брут («Юлий Цезарь»), Войницкий («Ваня тоға»), Мирзо Улуғбек («Мирзо Улуғбек»), шоҳ Эдип («Шоҳ Эдип»), Сулаймон ота («Қиёмат қарз») ва бошқалар ғоявий, психологик, романтик ҳиссиёти ҳамда кўтаринкилиги билан ажралиб туради.

Шукур Бурҳонов ўзбек кино санъати тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшди. У яратган Қоработир («Тоҳир ва Зухра»), Ғофур («Бой ила хизматчи»), Шоҳ Калин («Илья Муромец»), Қаландаров («Синчалак»), Мирзо Улуғбек («Улуғбек юлдузи»), Матниёз («Узоқ-яқин йиллар»), Ҳусан ота («Бардош») каби роллари ранг-баранглиги, ижро маҳорати ва образ талқинининг мукамаллиги билан жаҳон кино санъатида юқори баҳоланган.

1959 йилда Мақсуд Шайхзоданин «Мирзо Улуғбек» асари саҳналаштирилганда, асосий образни яратиш Шукур Бурҳонов зиммасига тушади. Спектакль мураккаб психологик жараёнда ҳал қилинган эди. Шу-

кур Бурҳонов Мирзо Улуғбек ролини ҳам муваффақиятли ижро этиб, ўзбек театри тарихида янги бир саҳифа очган. Шукур Бурҳонов изланувчан санъаткор эди. Образини яратиш жараёнида ўша даврларга оид манбаларни чуқур ўрганди. Улуғбекдаги кучли эҳтирос унинг нутқиға ҳам таъсир кўрсатган. Унинг чуқур мушо-

портдан кузатгандилар. У киши менга «Саҳнада роль ижро этаётганингда, шундай ички тугён, эҳтирос, фалсафа билан ўйнагинки, залда ўтирганлар орасида сил касалиға чалинган инсон бўлса йўталишини унутиб қўйсин», дердилар. Шукур ака ҳар хил бўлар-бўлмас роллар кетидан қувмас, агар лозим бўлса, бир неча йиллар ҳақиқий роль кутиш иродаси ва кучиға эга матонатли санъаткор эди. Биздан интизомли бўлишни талаб қиларди. Ҳар бир сўз, унинг тўғри талаффузи ва оҳанги устида эринмай ишлашни маслаҳат берардилар.

У кишининг ажойиб хислатлари бор эди. Телефон қилардилар: «Алло, Эркин уйға кел», қатъий оҳангда. Бўшмисан ёки вақтинг борми, демасдилар. Мен эса уларнинг сўхбатлари, насиҳат ва ўғитларини олишға ошиқардим.

Ҳа, устозни унутиб қўйин. У киши ҳақида соатлаб гапириб мумкин. Бундай буюк зот, оташқалб эгаси минг йилда бир дунёға келади, десам муболагаға йўйманг. Ҳақиқатан ҳам Шукур Бурҳонов саҳнанинги юраги эди. Устозимға эҳтиром сифатида у киши ҳақида китоб яратиш ниятим ҳам йўқ эмас. Илоҳим руҳлари қўлласин бизларни.

Шукур Бурҳонов ўзбек театр ва кино санъатига беқиёс ҳисса қўшган йирик санъат арбоби эди. Унинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган – Халқ артисти юксак унвони берилган, яратган қатор образлари учун Давлат мукофотиға сазовор бўлган. Мустақиллик йилларида бу йирик санъат даргасининг хизматлари янада юқори баҳоланиб «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
«Постда» муҳбири.

Суратда: Эркин Комилов устози Шукур Бурҳонов билан бирга.

(Сурат Э. Комиловнинг оила архивидан олинди).

## МАШҲУР ҲИКОЯНАВИС

Ўзбек адабиётининг атоқли ва йирик намояндаларидан бири Абдулла Қаҳҳор ўлмас асарлари билан китобхонлар қалбидан ўрин олган. Унинг ҳикоялари йирик асарлар каби ўта мазмундорлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир сўзни сиқиб сувини ажратиб, магзини ўқувчиға ҳавола этган забардаст ёзувчининг асарлари бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, жамиятимиздаги ўткир мавзулардан бири сифатида ғоятда қадрлидир. Атоқли адибимиз 1907 йил 17 сентябрда туғилган эди. Қуйида ёзувчининг ҳикояларидан бирини эътиборингизға ҳавола этамиз.



## САНЪАТКОР

(Ҳикоя)

Концерт одатдагича «навба»даги номерамизда... келганларингға раҳмат, ўртоқлар» билан тамом бўлди. Номини чиққан ашулачи – санъаткордан бошқа ҳамма хурсанд бўлиб тарқалди. Санъаткор тажани эди: танаффус вақтида залға чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади. Тракторист танқид қилганиға санъаткор асти чидай олмас эди: трактор қаёқдаю, масалан «чорзарб» қаёқда, тракторист қаёқдаю, ашулачи қаёқда!

Санъаткор уйиға кетгани извошға ўтирганида яна тутоқиб кетди: «ҳеч бўлмаса айтадиган ашулангни урган, сўзларини тўғри айт» эмиш! Нимасини билмайман, нимаси тўғри эмас? Мени шу вақтгача муҳбирлар, ёзувчилар ҳам танқид қилган эмас; формализм, натурализмлардан ўтдим – ҳеч ким отвод бергани йўқ. Отвод бериш қаёқда, ҳеч ким мени оғзига ҳам олмади. Энди бир тракторист танқид қилар эмиш!..

Санъаткор извошчинини ҳайрон қолдириб, ўзидан-ўзи гулдираб борар эди. Уйда хизматчи овқат қилиб қўйган экан, санъаткорнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади – икки пиёла чой ичди холос. Унга туриб-туриб наша қилар эди: «ашуланни меҳайлистик айтар эмишман! Товушим ёмон бўлса нега пластинкаға олди? Танқид деганиға энди бу кишининг ҳам танқид қилгулари келипти... Амали тракторист... Оббо!..»

– Ўқишға бордингизми? – деди хизматчиға, қовоғини солиб.

– Бордим... – Хизматчи икки ҳафтадан бери савод мактабида ўқир эди.

– Хизматчиси савод мактабида ўқиётган бир кишини тракторист саводсиз, деса алам қилмайми? – деди санъаткор ўзича бугилиб – «лабингдан бўлса олсам, э, шакарлаб» деганим у кишиға ёқмапти, «бўлса» эмас, «бўса» эмиш! Ўзи билмайдию, менға ўргатганиға қуяман! Сенға ўхшаган саводсизлар «бўса, бўмаса» дейди. Артист культурний одам – гапни

адабий қилиб айтади – «бўлса, бўлмаса» дейди. Пожарний «гугуртни ерга ташламанг» деди, режиссёримиз эса «гугуртнинг ерга ташламанг» деди. Қандай чиройлик! Пожарнимми, пожарнингми? Шошма, нима учун пажарни? Пожарни, албатта! Режиссёримиз жуда культурний одам. Одам деган мана шундай бўлса, уришса ҳам хафа бўлмайди киши – икки гапнинг бирида «таъбир жоиз кўрилса» деб туралди. Бу тракторист менға шунча дашном бериб, кўнгил учун бир марта «таъбир жоиз кўрилса» демасди.

Хизматчи дафтар-қалам келтириб, санъаткорнинг олдиға қўйди.

– «Ж» нинг каттаси қандай ёзилар эди? Домла-миз бир кун кўрсатган эди, эсимда қолмапти.

Санъаткорнинг жаҳли чиқди:

– Энди «Ж»ға келдингизми? Баржом деганда ёзилади. Кечаги баржом оғзи очиқ қолипти, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат. Сиз ҳам дунёға келиб культурний бўлсангиз-чи!... Бурнингиз терлади, артинг, таъбир жоиз кўрилса!

Санъаткор ўрнидан туриб ётоққа кириб кетди.

– Ётасизми? – деди хизматчи нариги уйдан.

– Нима эди?

– «Ж»нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайлиган эдилар. Қанақа ёзилади?

– Кичигини ёзиб қаттиқроқ ўқинг!

Санъаткор ечиниб кўрпаға кирди. Хизматчи чироғни ўчириб чиқди. Санъаткор кўзини юмди, кўзига ғира-шира қоронғу залдаги сон-саноксиз каллалар кўринди. Булар ичида энг каттаси трактористнинг калласи, у илжар эди.

– Афтинг курсин! – деди санъаткор ва нариги ёнбошиға ағдарилди.

Ҳаял ўтмай уйкуға кетиб хуррак отди. Унинг хурраги ҳам нечукдир адабийроқ эди: «плуқ-қум-пrr... плуқ-қум-пrr...»

Абдулла КАҲҲОР.

## МАЪРИФАТ ДАРСИ

**Қадимги юнонистонлик буюқ файласуфлар Сократ (Сукрот), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту)-ларни бутун инсоният томонидан бирдек ҳурмат қилиниши уларнинг илмий дунёқарашларида, оламни билишнинг ўзига хос шакли сифатида мантиқий хулосаларининг устунлигидадир. Бу уч донишманднинг илмий меросидаги оламни билиш тўғрисидаги таълимотлари ва бошқа соҳаларда билдирган фалсафий фикрлари XV – XVI асрларгача кўплаб олим ҳамда файласуфлар томонидан мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниб келинди, айримлари эса ҳозирги даврда ҳам ўрганилмоқда.**

Платон (ҳақиқий исми Аристотел, шарқда Афлотун) милoddан аввалги 427 йилда Афинада таваллуд топган. Платон номини устози Сократ қўйган. («Платон» — кенг елкали, кенг кўкракли деган маънони англатади). Афлотун машҳур файласуфлар билан ёшлигидан мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади. Гераклит, Парменид, Демокрит каби машҳур файласуфларнинг асарларини кунг билан ўрганади. 380-йилларда Афина яқинидаги афсонавий қахрамон Академ шарафи билан «Академия» деб аталган боғни сотиб олади ва бу боғда «Платон академияси» деб аталган фалсафий мактабни ташкил этади. Мазкур академияда «платонизм»га асос солинган, Афлотуннинг шогирди Арасту ҳам таълим олган. Платонизм Афинада қарийб минг йил фаолият кўрсатган. Платонизм — кенг маънода Платоннинг эйдос (ғоя)лар ҳақидаги таълимотига эргашган фалсафий оқимлар; бутун Европа фалсафасига платонизм бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатган. Тор маънода — милoddан аввалги IV асрдан бошлаб юнон фалсафасидаги йўналиш III асрдан платонизмнинг асосий шакли неоплатонизм бўлиб қолди. Урта асрларда платонизм аристотелизмга нисбатан деярли сезиларли роль ўйнамаган. Платонизмга бўлган қизиқиш Европада, хусусан, Флоренцияда файласуф Марсилио Фичино томонидан Платон академияси 1459 йилда тиклангандан кейин жонланиб кетди. Кейин у Кембриж мактаби орқали Англияда, немис фалсафасида Лейбниц туфайли Германияда тарқалди. Ҳозирги даврда Платон таълимотининг кўпроқ иррационал жиҳатлари ўрганилади.

Академияда фақат фалсафа эмас, геометрия, астрономия, география, зоология, ботаника қаторида бошқа фанлардан ҳам таълим берилган. Баъзи манбаларда Академияга киришда катта ҳарфлар билан «Академияга геометрияни билмаганлар киритилмайди» ёзиб қўйилган дейилган. Бироқ сиёсий таълим марказий ўринда эди. Таълим маърузалар, мунозаралар ва суҳбатларга асосланарди. Ҳар куни бадантарбия машғулотлари ўтказилган. Афлотун фалсафасининг асосий моҳияти — ғоя (эйдос)лар ҳақидаги таълимотида баён этилган. Унинг фикрича, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг иньикосидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам била олмайди. Уларни биладиган зотлар жуда кам учрайди, бу зотлар улкан ақл эгалари бўлади. Аксарият кишилар соялар дунёси билан кифояланади. Афлотун ғоялар дунёсини нарсалар дунёсидан устун қўйди, чунки ғоялар

дунёси идеал нарсадир. Инсон ғоялар дунёси билан соялар дунёси ўртасидаги зотдир. Унинг руҳи ғоялар дунёсига, жисмоний танаси соялар дунёсига мансубдир. Шунинг учун руҳ ва танадан иборат одам икки оламга тегишлидир. Руҳ инсоннинг ҳақиқий қисмидир. Биз ҳаёт деб

якши йўли сифатида давлат ва фуқаролар ўртасидаги меҳнат тақсимотини амалга оширишни илгари суради. У давлат фуқароларини уч табақага бўлган: биринчиси, давлатни бошқариб турадиган донишманд ҳукмдорлар; иккинчиси, давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар; учинчиси, давлатни ва юқоридаги иккита табақани моддий жиҳатдан таъминлаб турадиган деҳқонлар ва хунармандлар.

Афлотун давлат бошқарув шаклини олий ҳокимият танҳо амалга ошириладиган монархияга, тор доирадаги чекланган шахслар томонидан амалга ошириладиган аристократияга, бутун халқ ҳокимиятини бошқарадиган демократияга ажратади.

Афлотун «Қонунлар» асарида икки хил давлат тузумини бир-

давлат ва ҳукмдорларни қонунларга бўйсундириш ва шу йўл билан давлатни жамиятга ҳамда фуқароларга хизмат қилдириш бўлганлигини тушуниш унча қийин эмас. Шунингдек, Афлотуннинг фикрича, фақат қонунларга амал қилган давлат ва жамият барқарор бўлиши мумкин, шундай жамиятда фаровонлик ва тинчликка эришиш имкониятлари туғилади. Унинг бу таклифлари давлатни қонунга бўйсундириш воситасида фуқаролар жамиятини қуриш йўлидаги умид ва истаклари тажаллисиз эди.

Афлотун тўрт асосий фазилатни фарқ қилади: донишмандлик, мардлик, ақл билан иш қилиш ва энг асосийси — бошқа фазилатлар ўрнини тўлдирадиган ва қўшилиб кетадиган фа-

ган хулосага асосланган.

Геометрия фанида ҳаммаси бўлиб бештагина бўлган машҳур мунтазам кўпёқдилар (тетраэдр — мунтазам тўртёқлик, куб — мунтазам олтиёқлик, октаэдр — мунтазам саккизёқлик, додекаэдр — мунтазам ўнikkiёқлик ва икосаэдр мунтазам йигирмаёқлик)ни Афлотун (Платон) жисмлари деб аталади. Афлотун ўзи баён қилган оламнинг тасвирида бу жисмлардан тўрттаси оламнинг тўрт элементига ўхшатирилган: тетраэдр — олов, куб — ер, икосаэдр — сув, октаэдр — ҳаво, бешинчи кўпёқлик — додекаэдр эса бутун оламнинг тузилишининг белгиси, бешинчи моҳият деб аташган.

Фалсафа тарихида Афлотун таълимоти турлича қабул қилинган. Унга ўз даврида «илоҳий устоз», христиан дунёқарашининг бобоси, уйғониш даврида соф севги файласуфи ва сиёсий хаёлпараст сифатида қаралган. Афлотундан ўттизга яқин катта ва кичик асарлари ва хатлари сақланиб қолган. Асарларининг кўпи диалог шаклида ёзилган. Улардан муҳимлари: «Апология» (Сукротни ҳимоя қилиш), «Лакет» (мардлик ҳақида), «Хармид» (ақл билан иш тутиш), «Менон» (нотиклик санъати моҳияти ҳақида), «Базм» (эрос ҳақида), «Федр» (эйдослар ҳақидаги таълимот), «Фелон» (адолат ҳақида), «Теэтет» (билим ҳақида) ҳамда юқорида келтирилган учта ва бошқа асарлари асрлар давомида Шарқ ва Ғарбда маълум ва машҳур бўлган, кўп тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ёзилган. Шарқда қомусий алломалардан Афлотун асарларини ўрганган, шарҳлар ёзган ва билим доиралари кенг бўлганларига «Афлотунни замон» тахаллуסי берганлари бежиз эмасдир.

«Давлат» асарига ибн Рушд, «Қонунлар» асарига Шарқда «Иккинчи муаллим» унвонига эга Абу Наср Форобий шарҳ ёзганлар. Форобийнинг шарҳи «Талхису навомиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») деб аталади. Бу асар 1993 йили Форобийнинг «Фозил одамлар шарҳи» китобида нашр этилган. 1998 йилда ёзувчи Омон Мухторнинг «Афлотун» романи чоп қилинган. Юртимизда 2002 йилда Афлотуннинг «Қонунлар» асарини рус тилидан Урфон Отажон таржимасида ўзбек тилида нашр қилинди.

Ўтган барча замонларда Сукрот, Афлотун, Арасту комиллик тимсоли бўлиб келганлар ва шундайлигича қоладилар. Сабаби тараққиётнинг биринчи босқичига бевосита уларнинг замонасида бу уч донишманд ва бошқа буюқ шахслар томонидан солинган бўлса, инсоният тамаддунининг янги босқичи ҳам улардан бошланган, десак муболага бўлмайди. Ўтган давр олимлари бу уч донишманднинг айрим илмий, фалсафий ғоя ва қарашларидаги ноҳақликни исботламоқчи бўлиб жиддий кураш бошлаганлар, натижада янги тараққиёт йўлига чиқиб буюқ кашфиётлар, ихтиролар қилганлар. Билим ва фазилатлар мужассами бўлган Сукрот, Афлотун, Арасту минглаб йиллар давомида ўз қарашлари билан инсониятни янада юксак тараққиётга даъват этавердилар.

Акром АКМАЛОВ,  
Тамара МИРУСМОНОВА.

# АФЛОТУН — БУЮК МУТАФАККИР

атайдиган нарса руҳ жисмоний танада яшайдиган вақтдир. Афлотуннинг билиш назарияси унинг ғоялар ҳақидаги назариясига асосланади. Билиш — аманенис, яъни жоннинг эйдослар ҳақидаги хотираси. Эйдосга бўлган муҳаббат (эрос) маънавий юксалишга ундайдиган сабабдир. Арасту «Метафизика» асарида Афлотуннинг ғоялар назариясига танқидий ёндашган.

Афлотун педагог ва тарбия назариётчиси сифатида ҳам улугланади. Масалан, унинг «... фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир», деган фикрлари ҳозир ҳам ўринлидир. Фуқароларни тарбиялаш давлатнинг асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, болалар ҳаётининг биринчи куниданоқ махсус муассасаларда тарбияланиши керак: 3-7 ёшда ўйинлар мактабларидаги уйлар ёки боғчада таълим олиши; 7-17 ёшда палестра мактабида ёзув, ўқиш, мусиқани ўрганиши жисмоний тарбия билан шуғулланиши; 17-20 ёшда эфебияда махсус ҳарбий гимнастик таълим олиши ва арифметика, геометрия, астрономияни ўрганишлари; 20-30 ёшда келажак ҳукмдор учун зарур бўлган фалсафий таълим олиши лозим.

Афлотун қарашларида жамият, давлат тўғрисидаги таълимот марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. Давлат қурилиши, сиёсий муносабатларга доир изланишлари ва таълимоти унинг «Давлат», «Критий» ва «Қонунлар» номли асарларида мукамал ифодаланган. Лекин антик даврда жамият билан давлат ўртасидаги фарқланишлар ҳали унчалик кескинлашмагани учун бу асарларда қисман жамият ва фуқароларга доир илмий изланишларни ҳам учратиш мумкин. У «Давлат» асарида полисни умумий эҳтиёжларга мослашган биргаликдаги яшаш бирлиги сифатида белгилаб, бу эҳтиёжларни қондиришининг энг



Платон шогирди Аристотель билан бирга.

бирига қиёслайди: «Мен Қонун кучга эга бўлмаган, кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг ҳалокатини кураман. Қаердаким, қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонуннинг қуллари бўлишса, бундай давлатнинг истиқболини порлоқ, халқини фаровон кураман. «Давлат қурилишининг ҳам бамисли онадек икки фарзанди бор, қолганлари ҳуқуқий нуқтаи назардан айтганда, улардан туғилганлардир. Биринчиси мутлақ ҳукмдорлик, иккинчисини демократия деб кўрсатсак хато қилмаймиз. Мутлақ ҳукмдорлик (монархия) форсларда олий мақомга етиб борди, демократия эса бизда. Давлат қурилишининг барча қолган турлари, айтиб ўтганимиздек, шу иккисининг рангин, омухта бирлашишидан иборатдир. Озодлик ва дўстлик онглилик билан қўшилган ҳолда (биргаликда) мавжуд бўлмоғи (яшаши) учун албатта у ҳам бу турга тааллуқли бўлиши зарур. Уларга тааллуқли бўлмаган давлат яхши тартибот (қурилиш)га эга бўлмайди, деб тасдиқ этувчи мулоҳазаларимиз шуни талаб этади».

Афлотуннинг асл мақсади

зилат — адолат. Файласуф адолатли жамиятни барқарор яшаши учун энг муҳим бўлган, фуқаролик асосий унсурларидан бири — эркинлик қадриятининг аҳамиятини юксак поғонага кўтарди. Афлотун давлатнинг, адолатли жамиятнинг яшаши учун таҳдид туғдирадиган муаммолар ечимини топишга ҳам аҳамият берди. У давлат мансабдорлари юрагидан иккита худбинлик илдизларини юлиб ташлашни таклиф этган эди: мулкка бўлган муҳаббат, оилага бўлган муҳаббат. Шунинг учун ҳам у давлатни ота-она ва оиладан юқори туришини тарғиб қилган эди. Унинг фикрича, иқтисодиёт давлат (полис)нинг гуллаб яшнаши ёки таназзулининг омили ҳисобланади. Ишлаб чиқариш сиёсатни эмас, сиёсат ишлаб чиқаришни бошқариши керак. Жамиятни барқарор ҳолатдан чиқарадиган ҳар қандай ўзгаришларга йўл қўйилмаслиги зарурлигини таъкидлайди.

Афлотуннинг эстетик қарашларида борлиқ, ҳаёт «абдий ғоя»ларнинг тақлиди, нусхаси; санъат эса борлиқ, ҳаётнинг тақлиди, яъни тақлидга тақлид, де-

# ҚОРОНҒИДА МОЛ ЕТАКЛАГАНЛАР...

Тунги соат 24.00 лар чамаси эди. Ҳизмат қилаётган кишлоқ аҳолиси тинч ва осуда ухлагачина кўнгли хотиржам тортадиган Ислонбек машинада кетаётган хилват кўчаларнинг бирида шубҳали шарпаларни кўргандек бўлди. У дарҳол машинадан тушиб ўша томонга юрди. Адашмаган экан, уч нафар йигит икки бош қорамолни етаклаб борарди.

— Тўхтанлар! Молларни қаерга олиб кетяпсизлар? — деди Ислонбек уларнинг йўлини тўсиб.

— Мол ўзимизники, — деди улардан бири.

Профилактика инспектори ўзи хизмат қиладиган ҳудудда бу йигитларни ҳеч кўрмаганди. Демак, улар нотаниш.

— Сизларни танимаяпман, — деди у қатъийлик билан. — Ярим тунда

мол етаклаб юришларингни тушуниш қийин.

Зим-зиё тун. Устига-устак шубҳали уч нафар норғул йигит билан хилватда юзма-юз бўлиш анча хатарли. Лекин болалигидан спорт билан шуғулланган И. Хусановга хизмат бурчига содиқлик далда бериб турарди.

— Мол ўзимизники, — дейишди нотаниш йигитлар буш келмай. — Даштдаги боққа олиб кетаяпмиз. Ишонмасангиз телефон рақами бор, сўрай қолинг.

Ислонбек ҳар эҳтимолга қарши йигитлар берган рақамга кўнғирок

қилиб кўрди. Афсуски, ҳеч ким жавоб бермади. Бу ҳолат унинг кўнглидаги шубҳани баттар оширди.

— Булмаса гап бундай, — деди у. — Моллар балки ўзларингникидир. Лекин бу ҳозирча аниқ эмас. Ўғирланган бўлиши ҳам мумкин. Аниқлик киритганимизча сизларни тўхтаб турамыз.

Профилактика инспектори дарҳол воқеа ҳақида туман ИИБ навбатчилик қисмини хабардор қилди. Номаълум шахслар, ўзаро мингирлашиб, профилактика инспекторига норози тарзда ўқрайишди. Улар бир ёмонликни режалаштираётган эди. Ислонбек ҳам буни сезиб, ҳушёрлигини ошириб, ҳужумга шай турди.

— Бизни бекорга овора қиялпсиз, командир. Моллар ўзимизники. Бекорга вақтимизни олганингиз қолади, — деди йигитларнинг новчароғи... Ўзингизни вақтингиз кетаяпти...

— Ҳечқиси йўқ, хизматчилик, — деди Ислонбек шубҳаси баттар ошиб.

Номаълум шахслар профилактика инспекторга гап ўқтириш беҳудалигини тушуниб, «нима қиламиз» дегандек бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. «Тинчитамиз!» уларнинг шум ҳаёлидан шу фикр ўтди. Аммо олисдан автомашина чироғи кўринди. Зум ўтмай жиноят қидирув бўлими ходимлари ва

қўшни ҳудуд профилактика инспекторлари бу ерга етиб келдилар.

Эртасига эрталаб туман ИИБ навбатчилик қисмига риштонлик ҳамкасбларидан хабарнома келди. Унда айтилишича, Риштоннинг Олтиариқ тумани билан чегарадош кишлоқларининг биридан икки бош қорамол ўғирланган эди.

Тезкор суриштирув ишлари давомида қўлга олинган уч нафар йигит ҳақиқатан ҳам Риштон туманида яшовчи фуқаролар бўлиб, улар етаклаб кетаётган икки бош қорамол айнан ўша ўғирланган моллар эканлиги маълум бўлди. Олтиариқ туманидаги 323-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Ислонбек Хусановнинг ҳушёрлиги боис бу жиноят «иссиқ изида» очилди. Қорамоллар эгасига қайтариб берилди.

— Бу менинг хизмат вазифам, бурчим ҳисобланади, — дейди осойишталик посбони мамнуният билан. — Аҳоли хотиржамлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли ишга масъул эканимизни бир зум ҳам эсдан чиқармайман. Халқимиз ишончи мен учун ҳамма нарсдан муҳим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кишлоқ ва маҳаллаларда осойишталикни таъминлашда профилактика инспекторларига катта ишонч билдирилмоқда. Ислонбек ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай буни дилдан

ҳис этиб фаолият кўрсатаётган ходимлардан биридир.

— Болалигимдан ички ишлар идораларида хизмат қилишни орзу қилардим, — дейди қаҳрамонимиз. — Фарғона Давлат университетини тамомлаганимдан сўнг бу орзум рўёбга чиқди.

Олтиариқ туманининг энг гавжум гушаларидан бири бўлган «Полосон» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 18 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ушбу гушанинг Акмал Икромов номи ва Дўстлик маҳаллаларида осойишталикни таъминлаш вазифаси Ислонбек Хусановнинг зиммасига юклатилган. Шу сабабли у фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда, бамақсад иш олиб боради. Айниқса, ҳудудда истиқомат қилувчи, профилактик назоратда турган шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор бераяпти. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳам Ислонбекнинг доимий диққат марказида.

Кундан-кун ўзгача чирой очиб бораётган бу маҳаллалар аҳолиси тинч ва осуда, тотувликда ҳаёт кечирмоқда. Бунда албатта ёш, гайратли, ўз бурчига содиқ профилактика инспектори, лейтенант Ислонбек Хусановнинг муносиб ҳиссаси бор.

**Абдусит Сиддиқов.**

Фарғона вилояти.

Суратда: лейтенант И. Хусанов маҳалла фаоллари билан.



## ХИЗМАТЛАРДА

# САМАРҚАНД ТУН ОҒУШИДА

Бедор ходимлар сергак туриб осойишталикни сақлашмоқда (РЕПОРТАЖ)

Оқшом тушиб, енгил шабада эсаётган бўлса-да, куни билан кўёш тифида қизиган Самарқанд шаҳрининг кўчаларидан ҳовур кўтарилди. Тунда кўҳна ва ҳаммаша навқирон шаҳарда ички ишлар идоралари, аниқроғи, патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальонида бўлди.

— Тунги смена йигитлари аллақачон хизматни бошлаб юборишган, — дейди батальон командири, подполковник Ҳабибулла Мамадалиев. — Ҳар куни ППХ ва автопатруль экипажлари кечаю кундуз шаҳарда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун шаҳарнинг аҳоли гавжум жойлари, бозорлар, хиёбон, боғ ва кўчаларни назорат қилишади. Турли ҳуқуқбузарлик ва қондабузарликлар учраб туради. Ўтган саккиз ой мобайнида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки хатти-ҳаракатлари шубҳали бўлган 35 мингта яқин шахс ички ишлар идораларига олиб келинди. Ходимларимизнинг шахсан ташаббуслари билан элликан ортиқ жиноят фош этилди.

Ички ишлар идораларининг юраги ҳисобланган навбатчилик қисмига ўтди. Бу ерда ходимлар келаётган ҳар бир хабарни ёзиб олиб, тегишли жойга етказишапти.

Шу пайт шовилинч хабар келиб қолди.

— Саттепо даҳасида бир киссавур фуқаронинг ҳамёнини ўғирлаётганда қўлга олинди.

— Шаҳар ИИБга олиб бориб, тегишли тартибда топширилган, — дея кўрсатма берди командир.

Ҳовлига чиқганимизда апрофга қоронғулик тушган. Ташрифимиздан мақсадни

тушунган подполковник Ҳабибулло Мамадалиев амалга оширилаётган ишлар билан таништиришда давом этди.

— Ички ишлар идораларида хизмат қилиш учун фақат истакнинг ўзи етарли эмас. Айримлар хизматимизнинг машаққатини тасаввур қила олишмайди. Гоҳида кўкрак кериб, астойдил хизмат қилман, деб ишга кирганлар бир-икки марта қийинчиликка дуч келса, бўшаб кетиш таралдудига тушади. Айниқса, тунги хизматни осон деб бўлмайди. Аммо батальонимиз шахсий таркибининг асосий қисмини ўз бурчига виждонан ёндашадиган йигитлар ташкил этади. Майор И. Раҳмонов, капитан

Ш. Муминов, катта сержант Ж. Исмаилов, сержант Л. Тошмухамедов кабилар хизматда бошқаларга ўрнак бўлмоқда...

Шу пайт рақия «тилга» кириб, хабарлар кела бошлади. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, батальон сардори ҳамроҳлигида шаҳар айланиб, ППХ ходимларининг хизматлари билан таниша бошлади.

Самарқанд шаҳри тунда янада жозибдор кўринади. Чироқлар нурида кўчалар гўё дарёдек мавжланади. Бир-биридан ҳашамдор иморатларга боқиб, ҳавасингиз келади. Қайси гўшасига борманг Истиқлол байрамнинг шуқуҳи кешиб юрганини ҳис этасиз.

Асрлар давомида маҳобатли бинолари билан савлат тўкиб, гўзаллик, жозибаликда бутун дунёни ҳайратга солаётган Регистон майдони. Бир-бири билан чирой талашиб турган Шердор, Тиллакори мадрасалари тунда турфа ранг чироқларда янада жилваланади. Обидаларга ҳайрат билан боқиб тургандек икки нафар ходим етиб келди ва командирга вазият



тўғрисида ахборот берди.

— Ходимларимиз белгиланган ҳудудни назорат қилишади, — деди батальон командири. — Бу йигитлар Регистон майдони ва унинг апрофиди хизмат ўташади.

Шу пайт рақиядан овоз эшитилди.

— Талабалар хиёбонидан хабар бераймиз. Бир чет элик адашиб қолибди, таржимон чақириб керак.

— Ҳўп, автопатруль экипажига хабар бераман, таржимон олиб боради, — деди Ҳ. Мамадалиев ва тезда тегишли ходимларга топшириқ берди.

Биз етиб борганда батальоннинг 2-отряд командири, майор Ғайрат Нарзиев аллақачон бир таржимон ёрдамида хорижлик билан суҳбатлашаётган экан.

— Ўртоқ бошлик, бу киши япониялик меҳмон экан. Шаҳарни айланиб юриб, адашиб қолибди, — деди Ғ. Нарзиев.

Япониялик меҳмон ўз тилида тўлиб-тошиб нималардир дерди. Таржимон унинг гапларини ўзбек тилига ўгириб берди:

— Жуда жозибдор шаҳар экан, жаҳоннинг кўп давлат-

ларида бўлдим, лекин Ўзбекистондаги ҳурмат-эътибор бошқача, катта раҳмат.

Меҳмонни ходимлар кузатиб қўйишди. Биз шаҳар айланишни давом эттирдик.

— Шаҳримизга ҳар куни минглаб меҳмонлар ташриф буюради, — дея суҳбатни давом эттирди Ҳ. Мамадалиев. — Уларнинг аксарияти тарихий обидаларни томоша қилиш учун келади. Аммо айрим қўли эгри шахслар келиб, ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик ҳам қилиши учраб туради. Шунинг учун доим ҳушёр туришимиз керак.

Уч-тўрт автопатруль экипажидан вазият ҳақида ахборот келди.

— Автопатруль экипажлари учун шаҳарнинг 6-8 қақирин ҳудудини назорат қилиш топширилган, — дея суҳбатни давом эттирди Ҳ. Мамадалиев. — Зарур ҳолларда экипажга кинологуларни ҳам жалб этамиз. Транспорт воситалари ва зарур техникалар етарли.

Машҳур Сиёб бозорига яқинлашганимизда ППХ ходимлари енгил автомашина олдида бир киши билан туришарди.

— Бу киши гирт маст яна

рулга утирмоқчи бўляпти, — деди сержант Икром Шамсиев.

— Уртоқ командир, кўчада машиналар йўқ-ку, кетавераман, — деди ҳайдовчи турган жойида чайқалиб.

— Маст ҳолда машина бошқариш мумкин эмаслигини биласизми? — деди Ҳ. Мамадалиев.

Шу пайт ЙПХ ходимлари етиб келишди. Биз яна йўлимизда давом этдик.

Рақиядан яна хабар келди. — Биз кўчада шубҳали бир кишини учратдик, ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Шаҳар ИИБга олиб бораймиз.

— Кўп қаватли уйнинг олдида икки қўшни бир-бири билан жанжаллашиб, дўп-послашиб кетибди, уларни шаҳар ИИБга олиб бориб топширдик.

Шаҳарни айланиб «Рухобод» майдонига келдик. Бу ердан Самарқанд осмонида юлдузлар янада кўп ва ёрқинроқ порлаётгандай. Бир томонда буюк Соҳибқирон мақбараси. Назар ташласангиз аждодаларимиз бутун Самарқандни кузатиб тургандай туюлади.

Бу ерда хизмат ўтаётган сафдорлар Мамашариф Даминов ва Нуриддин Отабосевлар чехрасида ҳорғинлик эмас, ҳушёрлик, мардлик жўш уради.

Тунги Самарқандни айланиб батальонга қайтганимизда уфқ бўзариб келарди. Шаҳар аҳли ва меҳмонлар тун уйқусида дам оляпти, ички ишлар ходимлари эса бедор. Сергак туриб шаҳардаги осудаликни назорат қилишапти.

**Садриддин Шамсиддинов.**

Самарқанд вилояти.

Суратларда: вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятидан лавҳалар.



## ОДАМ САВДОСИ – ОФИР ЖИНОЯТ

Бутун дунёда катта муаммога айланган одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олиш долзарб вазифаларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Айни пайтда вилоят ИИБ соҳавий хизматлари томонидан аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашувларда одам савдосининг салбий оқибатлари далиллар асосида тушунтириб борилаётганига қарамай, бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолаётганлар афсуски, ҳамон учраб турибди. Бунинг оқибатида кўплаб ҳамюртларимиз ўзга юртларда саломатликларини йўқотиб, қийин шароитларда меҳнат қилишмоқда. Одам савдоси билан шуғулланаётганлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги ачинарлидир.

Вилоятнинг турли чеккаларидан ўқишга кириш, ишга жойлашиш мақсадида келган С. Раҳимова, М. Бахронова, М. Бўтаевалар муқалдам Навоий шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли бандлари билан судланиб, амнистияга асосан жазодан озод қилинган Э. Элеоноранинг навбатдаги ўлжасига айланишди.

Эгри йўлдан боришнинг оқибатига бир бор гувоҳ бўла туриб тегишли хулоса чиқара олмаган Элеонора яна

қабихликка қўл урди. Бу сафар у ўзининг жирканч ишларини жиноий шериклари М. Т. ва И. Э. билан амалга оширди. 2009 йилнинг май ойи бошларида укаси И. Э. билан

катлари давомида Э. Элеонора жиноий шериги М. Т. билан олдиндан тузилган режага асосан конимехлик М. Бахронова ҳамда Нурота туманида яшовчи М. Бўтаеваларни муҳтожлигидан фойдаланиб, Самарқанд вилояти

ҳамда унинг жиноий шерикларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир сўз. Айбдорлар-ку тегишли жазосини олишади. Лекин масаланинг бошқа жиҳатлари кишини ўйга толдиради. Яъни, бу иллат қурбонларининг фожиасини кўриб ҳам, эшитиб ҳам кўзи очилмаётган ота-оналарнинг лоқайдлиги. Оқ ювиб, оқ тараб ўстирган фарзандларини бошқалар қўлига ишониб топшираётганлар нега фарзандлари тақдири билан қизиқишмайди?! Яна бир мулоҳаза. Миллат шаънини топтаб, инсон ҳуқуқларини оёқости қилиб, номусини поймол этиб, мўмай даромад топаётган, укасини ҳам одам савдосидек қабих жиноятга бошлаган Э. Элеонора бир кун келиб қонун, қолаверса, виждони олдида жавоб беришни наҳотки ўйлаб кўрмаган бўлса!

Мухтасар қилиб айтганда, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни чегара билмаслиги билан ажралиб туради. Шундай экан бу муаммога қарши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, балки барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашмоғимиз керак.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**  
катта сержант.

Навоий вилояти.

## ЭЛЕНОРАНИНГ БҒРИ ЙЎЛИ



олдиндан тил бириктириб, фоҳишахона ташкил қилади. Фуқаролар С. Р. ва М. Б. уларнинг қурбонига айланади.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган дастлабки тергов ҳара-

Нарпай туманилик А. Р. ҳамда унинг турмуш ўртоғи А. О.га 50000 ва 100 минг сўм эвазига сотиб юборади.

Айни пайтда ўзбек аёлига хос бўлган ибо, ҳаёдан воз кечиб, нафсининг қурбонига айланган Элеонора

## «ҚОРАДОРИ – 2009»

## МУЛЗАМ БЎЛГАН «ДЕҲҚОН»ЛАР

«Қорадори-2009» тадбирининг иккинчи босқичи иштирокчилари Фурқат тумани Гулистон қишлоғидаги ҳовлилардан бирига кириб боришганда хонадон соҳиби Барот Мақсудовнинг деҳқончилик боғидаги «миришкор»лигига тан беришди.

У «Исфара-Сирдарё» ирригация тизимида ишлаб, бўш вақти кам бўлса-да, саккиз сотихдан иборат томорқасини яшнатиб қўйганлиги ҳамманинг эътиборини тортди. Аммо кўп ўтмай бу ҳайрат тамомила тескарисига ўзгарди.

— Буларнинг захри қотил эканлигини наҳотки билмайсиз? — деб сўрашди ички ишлар ходимлари помидор пайкалида барқ уриб ўсаётган нашага ўхшаш ўсимликларга ишора қилиб.

Хонадон соҳиби саволга жавоб қайтаролмай мулзам бўлди.

Фарғона туманининг Миндон қишлоғида истиқомат қилаётган хусусий тадбиркор Равшанжон Эшоннов ҳам шу ҳолатга тушди. Ички ишлар ходимлари ва маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ у яшаётган хонадонга кириб, томорқасига экилган помидор ва маккажўхори экинлари ичида 110 туп нашага ўхшаш ўсимлик парваришланаётганига амин бўлдилар.

— Барча шаҳар ва туманларда «Қорадори-2009» тадбирининг иккинчи босқичи уюшқоқлик билан ўтказилмоқда, — дейди вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник М.Орипов. — Тадбир бошидан бери 4 минг 546 та хонадон, 78 та иссиқхона ва 2 минг 500 дан ортиқ томорқалар кўздан кечирилди. Оқибатда гиёҳвандлик билан боғлиқ 23 та ҳолат аниқланди. Айбдорларнинг 8 нафари жиноий ва 15 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбир давом этмоқда.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**

Фарғона вилояти.

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

## НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Қаерда попоклик, риё бўлса, уша жойдан меҳроқибат, барака кўтарилади. Ёмон ишларнинг касри нафақат уни қилган кишига, балки атрофдагиларга ҳам уриши ҳаётини ҳақиқат. Доно халқимиз «бирни-ки мингга...», деб бежиз айтмаган.

Ички ишлар идоралари ходимлари Халқобод шаҳарчасида яшовчи Лола Сотимова (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг хонадонини текширишганда уй соҳибасининг ранги ўзгариб кетди. Бу бежиз эмас экан. Унинг хонадонидagi эркак ва аёл ходимларда шубҳа уйғотгани учун уларни саволга тутишди.

— Булар менинг меҳмонларим, — деди Л. Сотимова шоша-пиша, — 50000 сўм қарзим бор эди, шуни сўраб келишибди...

Л. Сотимова биринчи марта 2004 йилда судланиб, белгиланган жазодан амнистияга асосан озод қилинган. Бундан тўғри хулоса чиқармаган икки нафар фарзанднинг онаси яна жиноятга қўл урди. Бу сафар жиноят ишлари бўйича Поп туман суди унга уч йил ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлади. Бироқ жазони ўтаб туриб ҳам яна ҳаром луқма илинжида қўшмачилик қилишдан ўзини тўхтатолмади. Чунки унга қарашли хонадон текширилганда у ердан Мингбулоқ туманида яшовчи эркак ва аёл чиқиб келди. «Булар ижарага турувчилар», деди қўшмачи айбини тан олмай. Бироқ унинг найранги иш бермади. Чунки эркак ҳам аёл ҳам Л. Сотимова ўн минг сўм эвазига уларга шароит яратиб берганини тан олишди.

Ўз уйини фоҳишахонага айлантирган қўшмачи бу сафар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жазога ҳукм қилинди.

**Гайратжон ЮСУПОВ,**  
капитан.

Наманган вилояти.

## Ё, АЛҲАЗАР!

Ширин шаҳрида яшовчи Достонбой ишдан қайтаётиб, дўкондан гўшт, колбаса, сабзавотлар ва икки шиша ароқ олди. Доим шундай — маош олинган кун уйда байрам. Икки қўлида тўла халта билан келган эрини кўрган Сорагулнинг чиройи очилди. Дарров қизи иккови дастурхон тузашди, тансиқ таом тайёрлашга уннашди.

Азалдан эр-хотин бирга маишат қилишга ўрганишган. Сорагул ароқ ичишда эридан қолишмайди. Аввалига чақ-чақлашиб ўтирган Сорагул эридан маошнинг қолганини талаб қилиб, жанжал кўтарди.

— Биламан, уйга озгинасини олиб келиб, қолганини кўчадаги ойимчаларга сарфлайсан! — деди ўрнидан туриб.

— Маошимнинг ҳаммаси шу! — деди Достонбой чўнтагини қоқиб кўрсатиб. Жаҳл чиққанда, ақл қочади, деганларидек, ҳозиргина бир-бирига ҳазиллашиб, суйкалиб ўтирган эр-хотин, бир зумда ит-мушукка айланишди.

Сорагул қарғади, Достонбой уни онасидан сўкинишга тушди.

— Нега онамни ҳақоратлай-

сан? — деб Сорагул стол устида турган пичоқни эрининг биқинига тикиб олди.

Достонбой полга йиқилди. Ота-онасининг кунора жанжалига кўникиб кетган Зулайҳо аввалига эътибор бермади. Кейин отасининг биқинини ушлаб ётганини кўриб, онасига ташланди.

— Отам бечора топганини уйга ташийди, сиз ичиб

## ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

олиб, доим жанжал қиласиз, — деди.

Онаси энди қизини қарғашга тушди. Зулайҳо отасига ёрдам бермоқчи бўлганди.

— Сен мени ёмон кўрасан, отанга меҳрибонсан, — дея онаси уни итариб юборди.

Қизнинг қони қайнаб кетди ва онасининг қўлидаги пичоқни тортиб олиб, унга санчди.

— Бу оила кўни-қўшнилари билан ҳам чиқишмайди, — деди Ширин шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор

вакили, майор Шукрулло Ҳасанов. — Оилада хотиржамлик йўқ. Сабаби эр-хотиннинг ичкиликка берилгани. Шу муҳитда яшаётган қизда ҳам ота-онага нисбатан меҳроқибат қолмаган.

Ҳа, ичкиликнинг мудҳиш оқибатларидан бири ўзаро муносабатга раҳна солади, ўртадаги меҳр-муҳаббатни емиради. Ширин шаҳрида яшайдиган Баёзовлар оиласи бунга мисолдир. Кайфи ошган хотин эрига пичоқ урди, қиз эса онасининг қилмишига чидолмай унга тиг санчди.

Оиладаги хотиржамликка дарз кетди. Мана,

сизга оқ ароқнинг қора касофати... Оиласининг тинчлигини ўйлайдиган эс-хушли аёл эрини ароқ ичишдан тийишга ҳаракат қилади, аксинча, унга қўшилиб бирга ичадигани эса ўз оиласини парокандаликка юз тутишига сабаб бўлиши, табиий. Юқоридаги ҳодиса бунга мисол бўла олади.

Шундай экан, қадаҳга қўл чузишдан аввал бунинг оқибатини ўйлаб кўришни унутманг, азиз аёллар!

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**  
Сирдарё вилояти.



**Ваҳшийлашган кимса ҳали ўзига келиб улгурмаган ожиза аёлга ташланди. У ор-номусини сақлаб қолиш илинжида бор кучи билан қаршилик кўрсатди. Афсуски, кетма-кет берилган кучли зарбадан сўнг ҳушидан кетди.**

Одам қиёфасини йўқотган манфур кимса беҳуш ётган аёлни ичкари хонага судраб кириб, номусига теги. Сўнгра уни суратта олиб, хонадонни тарк этди. Ярим тунда хотини билан тўйдан қайтган Карим ака ҳамшиша қулфлоглиқ турадиган дарвоза қия очик қолганини кўриб, юраги алланечук бўлиб кетди. Ичкарига кирди-ю, келинини чақирди. Аммо ҳеч ким жавоб бермади. Шошилганча ичкари хонага бош суқди. У ерда келини қонга беланиб ётарди. Карим ака унга яқинлашганда зўрга кўзларини очиб, йиртилган кўйлаги билан танасининг очик қолган жойларини беркитишга уринди. Келинининг бундай аҳволга тушганини кўрган Турсун хола дод-фарёд солиб, ер муштлаб, йиғлай бошлади.

— Сени ким бу аҳволга солди? — сўради бутун вужудини қаҳр-ғазаб эгалласа-да, ўзини зўрга босиб турган Карим ака.

Гапиришга ҳоли етмаётган Замира бу ёруғ дунёни қайта кўришни хоҳламаётгандек яна кўзларини оҳиста юмди. Қайнонаси ичкаридан оппоқ чойшаб олиб чиқиб, келинининг устига ёпди ва челақдаги муздек сувдан ичирди. Шундан сўнг Замира сал ўзига келгандай бўлди-ю, ҳозиргина содир бўлган даҳшатли воқеа ёдига тушиб, йиғлаб юборди.

— Ўша махлуқ ким? — яна сўради Карим ака ғазабдан ўзини тутолмай. — Мен уни ўлдираман!

Замира гапиролмади. Келинининг бу тарзда аёвсиз таҳқирланишига чидолмаган Карим ака ташқарига чиқиб кетди. Замира онасидек гамхўрлик қилаётган, бу мусибатдан юракбағри қон бўлаётган қайнона-сига бир нима демоқчи бўлди. Аммо ички бир ҳўрсиниш уни гапиришга қўймади.

— Ма, муздеккина сувдан яна ичиб ол, — деди Турсун хола келинининг бошини кўтариб пиёлани оғзига тутаркан. — Ўша балбахтнинг кимлигини танидингми? Замира «ҳа», дегандек бошини қимирлатди.

— У кўшнимиз Ўткир. Унинг овозини эшитган Турсун хола бир нимадан кўрққандек сапчиб тушди. Чунки у муқаддам икки мартаба қамалиб чиққан безори йигит эди. Маҳаллада ундан жабр кўрмаган киши йўқ ҳисоби. Турсун хола аста ўрнидан туриб, ташқарида кетма-кет сигарет чекаётган тушмуш ўртоғининг ёнига чиқди.

— Уйимизга Ўткир кирибди, — деди Турсун хола ва йиғлаб юборди.

Карим ака тутаетган сигаретни бир чеккага улоқтириб, Ўткирнинг уйига шошилди. Ярим тун бўлса-да, эшикни мушти билан кетма-кет ура бошлади.

— Эшикни оч, номард! Нима бўлганидан беҳабар

кўлга олиш чораларини кўринг! — деди Қодиров.

— Тажрибали ходимлардан бир гуруҳи аллақачон ишга киришган. Бундан ташқари бошқа соҳавий хизмат ходимлари ҳам жалб қилинди. Аммо Ўткирнинг мамлакатимиздан ташқарига чиқиб кетиш хавфи бор. Шу боис божхона ҳамда чегара кўшинлари ходимлари билан ҳамкорлик қилишимиз лозимга ўхшайди.

— Жуда тўғри, — тезкор гуруҳ бошлигининг фикрини қўллаб-қувватлади Қодиров. — Ўткир ниҳоятда айёр. Агар уни қўлдан чиқарсак, ишимиз анча чигаллашади.

Тезкор-қидирув ишлари бошлаб юборилди. Аммо Ўткир сувга тушган тошдек ғойиб бўлган

мира ўзини йўқотиб қуйди. Милицияга айтай деса, Ўткирнинг ҳеч нимадан қайтмаслигини яхши билади. Турмуш ўртоғидан хавотирланган Замира ўйланиб қолди. «Мен ор-номуси топталган бахти қаро бир аёлман. Энди қариндош-уруғларим, маҳалла аҳли орасида қандай бош кўтариб юраман. Келиб-келиб энди ўлимдан кўрқаманми?!» У хаёлидан ўтган фикрлардан баттар ғазабланиб, жиноят қидирув бўлими бошлиғига кўнғироқ қилди ва Ўткир айтган гапларни унга етказди. Бу хабар тезкор гуруҳ ходимлари ишини анча енгиллаштиргандек бўлди. Зудлик билан алоқа хизмати ёрдамида телефон рақамининг эгаси аниқланди. Орадан кўп ўтмай у ички ишлар бўлимига олиб келинди ва суҳбатлашилди. Ана шундан сўнг ҳаммаси аён бўлди. Ўткир Қорақум этагидаги ташландиқ дала шийпонда қўлга олинди. Тергов давомида у барча қилмишини тан олиб, асл воқеани қуйидагича ҳикоя қилиб берди:

— Бир кун кимдир менга кўнғироқ қилиб, шундай деди: «Замиранинг эри Назар катта миқдордаги пуллари-мизни олиб, қочиб қолди. Биз уни ҳозирча тополмаяпмиз. Энди ундан уч олишимиз учун ёрдамнинг зарур. Буни фақат сен бажаришинг мумкин. Рози бўлсанг, шу бугуноқ номингга уч минг доллар юборамиз», дейишди. Ҳеч қаерда ишламаётганим учун уларнинг таклифига рози бўлдим ва пулни олгач, Замиранинг номусига тегиб, содир бўлган воқеани суратга олдим. Чунки топшириқни бажарганимни уларга исботлаб беришим керак эди.

Фақат ёвуз кимсаларгина тинч ва осойишта ҳаётни кўролмай бузғунчилик йўлига ўтишади. Хотиржам яшаётган оилаларни пароканда қилиб, қилмишларидан ҳузурланишади. Ўткир ҳам ана шундай ғаламис кимсалардан бири бўлиб, тақдирнинг бешафқат зарбасига дуч келди. У содир этган жинойи қилмиши учун узоқ муддатта озодликдан маҳрум этилди.

Орадан кўп вақт ўтмай ўзга юртларда гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланган жинойи гуруҳ ҳам қўлга олинди. Мол-дунё илинжида ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган бу манфур кимсалар қилмишига яраша жинойи жавобгарликка тортилди. Улар орасида гиёҳвандликка берилиб, оиласини хонавайрон қилган Замиранинг турмуш ўртоғи Назар ҳам бор эди.

Ҳаётнинг аччиқ синовини ўз бошидан кечирган Замира қайнонасининг ялиниб-ёлворишларига қарамай ота-онасининг уйига қайтди...

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Постда» мухбири.  
Хоразм вилояти.

**ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА**



Севара эшикни очди.

— Ўткир қани? — важоҳат билан ичкарига кирди Карим ака.

— Уни эрталабдан бери кўрмадим. Тинчликми?

Карим ака хоналарга бош суқиб, Ўткирни излади. Аммо у уйда йўқ эди. Аламидан ўт бўлиб ёнаётган Карим ака уйига келди. Гиёҳвандликка берилган ўгли Россияга ишга кетганидан буён эндигина хотиржам яшашаётганди. Бу қандай кўргулик?! Карим ака ҳовлидаги мотоциклини миниб, ички ишлар бўлимига келди ва кўрган-билганларини гапириб берди. Зудлик билан тузилган тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб келди. Гуруҳ бошлиғи Замира билан қисқагина суҳбатлашди-да, уни «Тез ёрдам» машинасида касалхонага юборди. Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари воқеа жойидаги ҳар бир нарсани синчковлик билан кўздан кечириб, жиноятга алоқадор далилий ашёларни йиға бошлашди. Шу пайт хонадонга туман ИИБ бошлиғи, подполковник Қодиров кириб келди. Тезкор гуруҳ бошлиғи, майор Сардор Машарипов воқеа тафсилоти бўйича ахборот берди.

— Зудлик билан Ўткирни

эди. Чегара ҳудудидан олинган маълумотларга қараганда жиноятчи республикадан чиқиб кетмаган. Демак, у шу яқин атрофда яшириниб ётибди.

Орадан икки кун ўтгач, касалхонада ётган Замиранинг уяли телефони жиринглаб қолди. У дераза тоқчасига қўйган телефонини қўлига олди.

— Мен Ўткирман! — деди дағал овоздаги киши. — Гапларимни диққат билан эшит!

Замира кўрқувдан қўлидаги телефонини тушириб юборди. Шу билан алоқа узилди. Орадан кўп ўтмай яна телефон жиринглади.

— Алло, гапларимга кулоқ сол. Барчасидан хабарим бор. Милиция изимга тушган. Энди сен уларга Ўткирга даъвоим йўқ. Барчасига ўзим сабабчиман. Ўша кун уни уйимга ўзим чақирганман, деб ёзиб берасан. Акс ҳолда эрингга ёмон бўлади. Очиги, уни ўлдириб кетишади. Чунки бу ишларнинг сабабчиси ўша гиёҳванд эринг бўлади. Қолаверса, айтганимдек қилмасанг, касалхонадан улигинг чиқади! Ҳа, айтмоқчи, кўнғироқ қилганимни ҳеч кимга айтма! Айниқса, ички ишлар ходимларига!

Бу дуқ-пуписани эшитган За-

**ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА**

2009 йилнинг 19 август кунини Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг Чимкент кўчасида жойлашган «Шош» қаҳвахонаси қаршисида номаълум ҳайдовчи автомашинасида ёши тахминан 50–60 ларда бўлган, Осиё миллатига мансуб эркак кишини уриб юборган. Пиёда воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

**Белгилари:** бўйи 170–175 см, сочи қора, оқ оралаган, кўзлари қора, қисик.

**Кийимлари:** қора шим, енгил калта кулранг қўйлак, кўк шиппакда бўлган.

2009 йилнинг 7 июль кунини Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Бунёдкор кўчасида ҳарақатланаётган «Нексия» русумли автомашина ҳайдовчиси ёши тахминан 50–60 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб аёл кишини уриб юборган. Жабрдийда касалхонага олиб кетилаётганда вафот этган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, озгин, сочи калта, жигарранг, кўзлари қора, қисик.

**Кийимлари:** қизил, яшил, кўк, сариқ ранглар қоришиқли кофта, оқ чарм сандалда бўлган.

**Юқорида белгилари қайд этилган номаълум шахсларни билган, улар ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ЙТХ тергов бўлимига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

**ҚИДИРИЛМОҚДА**

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан Абдуваҳоб Сайдуллаевниқ Куралов жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1963 йилда туғилган, Янгийўл тумани Ўзбекистон маҳалласи, Ўзбекистон кўчасида яшаган.

**А. Кураловни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан Тилъев Очилович Ўразов жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда. У 1970 йилда туғилган, Каттақўрғон шаҳар Б. Ҳайтов кўчаси, 1-уйда яшаган.

**Т. Ўразовни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

Республика ИИБ Самарқанд шаҳридаги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби бошлиқ ўринбосари, майор О. Рўзимуродовга падари бузруквори **МАМАТҚУЛ ҲОЖИ ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, Наманган шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ катта инспектори, кичик сержант **Фарҳод АБДУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник **Нормурод МУСАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи Э. Қаландаровга падари бузруквори **Тўпаланг отанин**г вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# БЕТОЙИМ



## ЮЛДУЗЛАРИ ПОРЛОҚ ҲИЛОЛА

**Ички ишлар идоралари тизимида эркаклар билан бир сафда туриб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш борасида самарали хизмат қилиб келаётган аёлларимиз ҳам кўпчиликти ташкил этади.**

Капитан Ҳилола Худойқулованинг ички ишлар идораларида хизмат бошлаганига ўн йилдан ошди. У Тошкент тўқимачилик ва энгил санат институтини муваффақиятли тамомлаб, Навоий кон-металлургия комбинати ЁХТБ 2-ХЎХО 8-ХЎХҚ диспетчерлик хизматига ишга қабул қилинди.

— Тўғри, аввалига унга ички ишлар идораларида хизмат қилиш бирмунча қийинчиликлар тугдирди. Чунки, бир томонда оила, уй-рўзгор ишлари бўлса, иккинчи томонда эса хиз-

мат давомида ўта хушёрлик, зийраклик ва катта масъулият талаб этилади.

Интилганга толе ёр, деганларидек, Ҳилола Худойқулова бу касбни ўз хоҳиши билан танлагани боис, қийинчиликларнинг барчасини иродаси ҳамда айнан шу соҳага бўлган қизиқиши туфайли энгиб ўтиб, қисқа муддат ичида нафақат ҳамкасблари, қолаверса, раҳбарият орасида обрў-эътибор қозонди.

2001 йилда Ҳилола Худойқуловага биринчи офицерлик унвони — «лейтенант» махсус унво-

ни берилди. Елкасида кўш юлдуз порлади... Йиллар ўтган сайин юлдузларига юлдуз қўшилиб борди.

— Менга хизматнинг барча сир-асрорларини мукамал ўргатган устозим — подполковник Нурали ака Амоновдан жуда миннатдорман, — дейди Ҳилола Худойқулова.

2005 йилда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши давлат ёнғин назоратчиси» республика кўрик-танловида капитан Ҳ. Худойқулова ҳам фаол қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашга сазовор бўлди. Айни пайтда Ҳ. Худойқулова 2-ХЎХО 8-ХЎХҚ ёнғиннинг олдини олиш гуруҳи катта муҳандиси лавозимида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Ҳилола бахтли оила соҳибаси ҳам. У хизматдан бўш пайтлари турли пишириқ ва таомлар тайёрлашга қизиқади. Заргарлик ва тикувчилик унинг жону дили.

Эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган капитан Ҳилола Худойқулова турмуш ўртоғи билан биргаликда икки нафар фарзандни юртга садоқат руҳида тарбиялаб келмоқда.

**Сунмас ШОДМОНОВ,**  
майор.

Навоий вилояти.



### БИЛАСИЗМИ?

## САМОМАТИК СИРААРИ

Ўлкамизда куз. Тонгги ва кечки ҳавонинг салқин, кундузнинг иссиқлиги шамоллашга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Шамоллашнинг олдини олиш ва уни даволашнинг энг оддий ва жўн усуллари билан бир неча хили ҳақида тўхталмоқчимиз.

**МАЙМУНЖОН.** Унинг дориворлик хусусиятлари қадимдан маълум. Таркибидаги витамин ва бошқа моддалар капиллярларни мустаҳкамлаш, туз йиғилишининг олдини олиш ва шамоллашга қарши курашишда ёрдам беради.

Маймунжон барглари ва гуллари 200 мл. сувда қайнатилиб, икки соат тиндириб қўйилади. Докадан ўтказилган дамламани бир ош қошиқдан тўрт маҳал ичиш керак. Маймунжоннинг меваси ва баргидан олинган шарбат эса кунига уч маҳал ярим стакандан овқатдан олдин ичилади. Шарбатга ярим қошиқ асал қўшиш мумкин.

**ТОШЧЎП.** У микробларни ўлдириб, асабларни тинчлантириш ва ухлатиш каби хусусиятлари туфайли кўплаб касалликларда ишлатилади. Жумладан, шамоллаш ва унинг оқибатларида ҳам асқотади.

Бир ош қошиқ қуриган тошчўп ўсимлиги олиниб, бир стакан қайноқ сув солинади ва усти ёпилиб, бир соат димланади. Термосдан фойдаланиш ҳам мумкин. Дамламани кунига уч маҳал 1-2 ош қошиқдан ичиш лозим.

Шунингдек, бир ош қошиқ тошчўп дамламаси, алоэ ва асал аралаштирилиб тайёрланган дори ҳам йўтални юмшатиш, инфекцияни йўқ қилиш ва балғам кўчириш хусусиятига эга.



ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TASHRIIYATI**

**MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib — **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi — **Azizjon FAYZIYEV**

Sahifalovchi — **Zokir BOLTA'YEV**

Matn ko'chiruvchi — **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.

**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8071. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 57459 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 23.00. Bosishga topshirildi — 23.00.

**MANZILIMIZ:** 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.

## «ОНАМГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ»

**Ҳанифа опа барибир уйда ўтиролмади. Шивалаб ёмғир ёғиб турган бўлса-да, йўлга чиқди. Болаларининг «Ойи, намунча хавотир оласиз? Садбарой опамиз ёш эмаслар-ку, яна капитанлар», деган гапларига парво ҳам қилмади.**

— Омон булгур кўзларимга кўриниб кетаяпти? Жуда-жуда соғинибман. Кейин, телефондаям овози сал бошқачароқ чиқди.

Хуллас, у Шерободга жўнади. Ҳанифа опа утирган «Нексия» ҳайдовчиси уни муҳташамгина бино олдида тўхтатди.

— Қизингиз мана шу ерда ишлайди. Менинг ҳам яқинда бир ишим тушувди, ҳал қилиб берди. Барака топсин, қизингиз, — деди ҳайдовчи.

Идорага кириладиган йўлакча одамлар гавжум.

Навбатчи уларга бирмабир киришга рухсат бераяпти. Ҳанифа опа навбатчи, лейтенантга:

— Айланай болам, мен ҳам Садбаройнинг олдида кирмоқчиман. Мана паспортим, — деди.

Навбатчи, бир зум онага тикилиб қолди. Сўнг деди.

— Опага жудаям ўхшар экансиз. Мабодо онаси эмасмисиз?

— Топдинг, болам, топдинг. Шу десанг, Сариосиёнинг Телпакчинориданман.

Бехосдан онасига деразадан кўзи тушган Садбарой одамлар тўдасини ёриб онажонисининг истиқболига шошди.

— Болам, шунча одам сенинг қабулинггами? Чарчаб қоласан-ку! Ишинг оғир экан. Мен бўлсам, қизим бир ойдан бери уйга келмаяпти, мендан хабарлашмаяпти, дея ўпқаланиб юрибман. Майли қизим, жонинг тошдан бўлсин.

Тушликка ҳали бирор соатлар бор эди. Шунинг учун дарахтлар тагидаги ўриндикда пича ўтириб ҳордиқ чиқарди. Онанинг хаёли ҳамон Садбаройда эди. Ўйлар уни узоқ-узоқларга тўлқиндаги хасдек оқизиб кетганди...

Ҳанифа опа асли Сариосиёнинг Андри қишлоғидан. Унинг тақдири телпакчинорлик Аҳад Жумаев билан боғланди. Бирин-кетин бир-бирдан ширин-шакар фарзандлар дунёга келди. Абдумалик, Абдусамад, Абдужалил, Хурсанбой, Зарнигор, Юлдуз, Садбарой, Фотима-Зухра ва Зулайҳолар... Унта бўлса ўрни бошқа деганларидай, фарзандлар рўзгорга файз барака келтириверди. Табиатан илмга ташна Аҳад ака билан Ҳанифа опа уларнинг ўқишига алоҳида эътибор қаратишди. Фарзандларининг саккиз нафари олий маълумотли. Улар ичида негадир Абдумалик билан Садбаройнинг меҳри ички ишлар соҳасига тушди.

Барибир улар орасида Садбарой алоҳида ажралиб туради. Ҳайрати ичига синамасди. У ўрта мактабни тугатгач, қутилмаган тақлифни ўртага ташлади.

— Ота, мен ички ишлар ходими бўлмоқчиман.

Отадан аввал Ҳанифа опа жавоб берди:

— Нималар деяпсан қизим? Қиз бошинг билан-а?! Булмайди, бошқа касбни танла.

— Йўқ. Мен ИИБ Академиясига ҳужжат топшириб, ўзимни синаб кўрмоқчиман. Кирилмасам, бу ҳақда бошқа гапирмайман.

Мана, унинг ИИБ Академиясини тугатиб ишлаётганига ҳам ўн йилга яқинлашиб қолди. Шу йиллар ичида паспорт тизимида хизмат қилди. Айни дамда капитан С. Жумаева Шеробод тумани ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, отасига унинг бахтли кунларини кўриш насиб этмади.

Аслини олганда Садбаройдаги ажойиб фазилатларнинг ҳаммаси онасидан ўтган. Агар онаси ҳақида гап очилса, Садбарой бамисоли шоир бўлиб кетади.

— Менинг онамдай она борми бу дунёда?! Мен онамга ўхшашга интиламан. У кишига ҳавас қиламан!

**Жўра ҚОДИРОВ.**

Сурхондарё вилояти.

### ИНСОННИНГ СИРЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Эркак киши умр бўйи 22 тонна овқат ва 33 минг литр турли суюқлик истеъмол қилса, аёллар бу борала анча «иштаҳаси қарнай» экан. Яъни, 25 тонна овқат ейишса, 37 минг литр суюқлик ичишаркан.

Бошдан бир кунда 40-60 тагача соч тўкилади. Умр бўйи эса 1,5 миллиондан ортиқ соч толаси тушади. Бу одатий ҳолдир.

Аёлларда 1 миллионга соч толаси бўлса, эркакларда 3 миллионгагача бўларкан.

Одам ухламай 10 кеча-кундуз, овқатланмасдан эса бир ҳафта яшаши мумкин.

Юрак шунчалар кўп энергия сарфлайдики, унинг бир кунлик энергияси ҳисобига 900 килограмм юкни 14 метр баландликка кўтариб чиқиш мумкин. Юракнинг 50 йил давомида сарфлаган энергияси эса 18 минг тонна юкни 227 километр юқори-га кўтариб чиқиш билан баробар.

### ҲАР ЭҚТИМОЛГА ҚАРШИ

Билиб қўйган яхши-да. Семизўтнинг шираси сўгалларни йўқотишда асқотади. Тоғ жамбили ҳам сўгални кеткизади. Мажнунтол ёғочининг қулини сирка билан қўшиб сўгалга суртилса, уни қурилади. Тол қулини сузмага қўшиб суртилса ҳам кони фойда.

### ТИШЛАР БОРАСИДА

Шуни айтиш мумкинки, ширин анор сувини қайнатиб оғиз чайилса, тишлар чиройли ва мустаҳкам бўлади. Асални сиркага қўшиб милкка суртилса, милкларни қотиради. Қалампирмунчоқни чайнаб юриш ёки ивтилган сувда оғиз чайиш билан ҳам тиш милкани мустаҳкамлаш, нохуш ҳидларни йўқотиш мумкин.

**БУ — ҚИЗИҚ!**